

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ КАФЕДРАСИ

БАКАЛАВРИАТ 5610100 – ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ЙЎНАЛИШИ

4.33 - ГУРУХ ТАЛАБАСИ

Каролов Азамат Гуломовичнинг

Б И Т И Р У В
М А Л А К А В И Й И Ш И

Мавзу: фермер хўжаликларида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш
йўллари

Илмий раҳбар:

Фермер хўжалигини бошқариш”
кафедраси доценти, и.ф.н.

Мардиев Н.

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди»

Фермер хўжалигини бошқариш кафедраси мудири, Доцент Пулатова Р. _____ 201__ йил «__» _____.	Фермер хўжалигини бошқариш факультети декани, доцент А.Шокиров _____ 201__ йил «__» _____.
--	--

Тошкент - 2014 й

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	2
	АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	6
1-Боб.	МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	10
1.1.	Рақобатнинг иқтисодий мазмуни ва шаклланишининг асосий тамойиллари	10
1.2.	Фермер хўжалиги маҳсулоти рақобатбардошлигини оширишнинг зарурлиги ва моҳияти	14
2-Боб.	ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНияТЛАРИ ТАҲЛИЛИ	22
2.1.	Фермер хўжалигида эришилган иқтисодий самарадорлик ва унинг таҳлили	22
2.2.	Фермер хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш имкониятлари	32
3-БОБ	ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	39
3.1.	Фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини баҳолаш мезонлари ва усуллари	39
3.2.	Фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий иқтисодий йўналишлари	44
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	61
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	64

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, Президентимиз томонидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳар томонлама асосланган йўли ишлаб чиқилди ва унга асосланган ҳолда иқтисодий ислохотлар амалга оширила бошланди. Мазкур иқтисодий ислохотлар орқали қўлга киритилиши лозим бўлган натижалардан бири - рағбатлантирувчи рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришдан иборатлиги кўрсатиб берилди. Чунки, «мулкчилик шакллари турлича бўлган корхоналар ўртасидаги рақобатчилик кураши уларни ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ички ташкилий тизимларини такомиллаштиришга, техника билан қайта қуроллантиришга, фан ва техника соҳасидаги янги ютуқларни қўллашга мойил бўлишга, кам сарф-харажат қилган ҳолда янада юқори сифатли ва энг арзон нархда маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди. Пировард натижада бу иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади».¹

Рақобат - бу мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён. Фақат унинг иқтисодий моҳиятини ва амал қилишининг объектив асосларини чуқур англаб етиш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобатни ривожлантириш шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни таъминлаш йўллариини ўрганиш мазкур механизмдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, унинг ижобий таъсирлари самарасини ошириш имконини беради. Айниқса, ўтиш даври иқтисодиётида рақобат курашининг намоён бўлиш шакллари ва усуллари ўзига хос хусусият касб этиб, улардан тўғри фойдаланиш иқтисодиётда амалга оширилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995, 183-184-б.

хусусийлаштириш ҳамда эркинлаштириш жарёнларга аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Ўз навбатида, рақобатчилик муҳитининг вужудга келиши иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар мазмунини бойитиб, фақат ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан самарали бўлган хўжалик юритиш фаолияти, тармоқ ва соҳаларнинг кенг ва ҳар томонлама ривожланиши учун замин яратади. Ишлаб чиқариш ва истеъмолдаги турли якка ҳукмронлик ҳолатларига барҳам беради, хўжалик маблағлари ва бошқа ресурсларнинг самарали тақсимланиши ва ҳаракатчанлигига туртки беради.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашганлиги, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олганлиги ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Мамлакатимизнинг рақобатбардошлиги охир-оқибатда маҳсулотнинг рақобатбардошлигига асосланади. Демак, тармоқларнинг, соҳаларнинг ва мамлакатнинг рақобатбардошлиги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги асосида таркиб топиб ривожланади.

Маҳсулот рақобатбардошлигини оширилиши иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширилишини тақозо этади. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши деганда унинг турли қисм ва бўлаклари ўртасидаги мураккаб пропорциялар ва ўзаро нисбатлари тушунилади.

Мураккаб тизим сифатида иқтисодиётнинг барча элементлари орасидаги шаклланган ва ўзгариб борадиган мураккаб пропорциялар ва ўзаро нисбатлар таркибий ўзгаришларни тавсифлайди.

Миллий хўжаликнинг мақбул таркиби, алоҳида турдаги ишлаб чиқаришларнинг ривожланганлиги ва баланслашганлиги, уларнинг ўзаро

мутаносиблиги ҳар қандай давлат ривожланишининг пировард мақсади – аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Мамлакат хўжалигининг турли бўлак ёки қисмларга қандай белгилар асосида ажратилишига кўра иқтисодиёт таркибий тузилишининг турлари ўзаро фарқланади.

Мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилиши шаклланишида унинг табиий ресурс салоҳияти, географик жойлашуви, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражаси каби омиллар муҳим аҳамиятга эга

Фермер хўжалиги ривожланган аграр индустриал мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибаларида ўзининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини тўла намоён этди. Шунга кўра, Ўзбекистонда ҳам фермер хўжаликларининг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, улар фаолиятининг зарур иқтисодий шарт-шароитлари яратилди, меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида фермер хўжаликларининг ташкил топиши аграр ислохотларнинг асосий мазмунини ташкил этди. Фермер хўжаликларининг ташкил этилиши босқичма-босқич ва изчиллик асосида олиб борилди.

Президентимиз И.Каримов фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор бериб қуйидагиларни таъкидлайди. «Ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда». (И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т: Ўзбекистон. 2009 й).

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатлар ўтиш даврида рақобат муҳитини шакллантириш жараёни нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Шунга кўра, бу жараённинг ўзига хос хусусиятлари ва амал қилиш механизмини такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ этишга қаратилган, битирув малакавий

ишининг мавзуси долзарб ҳисобланади

БМИ мақсади ва вазифалари. БМИнинг асосий мақсади фермер хўжаликларида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш бўйича фикр-мулоҳазаларни ишлаб чиқишдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун битирув ишида қуйидаги вазифалар бажарилди:

- Маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг назарий-услубий асоси ўрганилди;

- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг йўналишларини умумий ҳолда асослаш.

- Фермер хўжаликлари маълумотларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш.

- Фермер хўжалигининг истиқболдаги ривожланиши бўйича фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ишлаб чиқилди.

БМИнинг амалий аҳамияти. Битирув ишида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича тайёрланган фикр-мулоҳазалар ва хулосалардан фермер хўжаликларида фойдаланиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Каримов И. Асосий мақсадимиз- ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ҳалқ сўзи. 29.01.2010.

Президентимиз И.А.Каримовнинг таъкидлашича «Мамлакатнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни амалга оширишнинг муҳим устувор йўналишига айланиши лозим».

Президентимизнинг 28.12.2008 йилдаги ПФ-4058 сонли фармонининг биринчи банди билан қабул қилинган инқирозга қарши чоралар Дастурида Ўзбекистон иқтисодиёти жумладан, уни таркибий қисми ҳисобланган қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланган. Дастурда корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг тўрт асосий йўналиши белгиланган бўлиб улар ўз мазмуни ва моҳиятига кўра тўлалигича маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Сабаби маҳсулот рақобатбардошлигини оширилиши жаҳон инқироzi шароитида иқтисодиётни барқарорлигини таъминлаш ва уни самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи омилига айланди.

И.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т. Ўзбекистон – 2009 йил. - 23 бет.

Фермер хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кескин оширмасдан туриб уларни барқарор ривожланишини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш масалаларини ижобий ҳал этиш мумкин эмас. Президентимиз ушбу масалага тўхталиб ушбу асарида қуйидагиларни таъкидлайди «...ўтган давр мобайнида ортирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир

қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда.»

Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраевлар Т. томонидан тайёрланган «Иқтисодий назарияси» ўқув қўлланмасида рақобатга берилган таърифда асосан икки жиҳат: 1) унинг иқтисодий манфаатлар тўқнашувидан иборат эканлиги; 2) юқори фойда ва нафлига эга бўлиш учун кураш илгари сурилади, яъни: рақобат - бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлига эга бўлиш учун курашни англатади. Бунда ишлаб чиқарувчилар ўртасида сарфланган харажатларининг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ фойда олиш учун кураш боради. Мана шу фойда орқасидан қувиш натижасида товарларни сотиш доиралари, яъни қулай бозорлар учун, арзон хом ашё, энергия ва арзон ишчи кучи манбалари учун улар орасида кураш боради.

Ўз навбатида харидорлар, яъни истеъмолчилар сарфлаган ҳар бир сўм харажати эвазига кўпроқ нафлига эга бўлиш учун курашадилар, уларнинг ҳар бири арзон ва сифатли товар ва хизматларга эга бўлишга ҳаракат қилади.

Язык бизнеса. Термины Под ред. В.А.Чжена. Т.: ИПК «Шарк», 1995, с.216.

Ушбу луғатда: «Рақобат (лотинча *concurrere* - тўқнашув; инглизча *competition, rivalry*) - бозорда иштирок этаётган корхоналар ўртасидаги ўз маҳсулотларини сотишнинг энг қулай имкониятларини таъминлаш, харидорларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш мақсадидаги ўзаро таъсир, ўзаро алоқа ва кураш иқтисодий жараёнидир. Рақобат ва монополия диалектик бирликни ташкил этиб, доимо бозорда бир-бирларига қарама-қарши турадилар», деб ифодаланган. Бундан кўринадики, рақобатни нафақат кураш, балки ўзаро таъсир ва алоқа жараёни сифатида ҳам талқин этилган. Шу билан бир қаторда, рақобат мақсадини «харидорларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш» сифатида белгилаб, маълум ноаниқликка йўл қўйилган. Чунки, рақобатнинг

асосий мақсади харидорнинг эмас, балки унинг иштирокчисининг манфаатларини тўлароқ рўёбга чиқаришдан иборат бўлиб, бу мақсадга эришиш йўлидаги ҳаракатлар пировардида харидорларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришга олиб келади .

Ўлмасов А. ва Н.Тўхлиевларнинг «Бозор иқтисодиёти» қисқача луғат-маълумотномасида: рақобат, конкуренция — мустақил товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда, катта ҳажмда сотиш; умуман бозор иқтисодиётида ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун кураш. Рақобат асоси товар ишлаб чиқарувчиларнинг мустақил бўлиши ва ўз манфаати учун кураш-интилишидан иборат. Рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи кучдир, чунки рақобатда ғолиб келиш учун ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, товар сифатини ошириш, товар сотилишини харидор учун қулайлаштириш зарур, акс ҳолда товарларни пуллаб, катта фойда кўриб бўлмайди. Монополия рақобатга зид, чунки у товар ишлаб чиқарувчига танҳо ҳукмронликни таъминлаб, ўзаро беллашув учун шароит қолдирмайди. Рақобат демонополизацияни талаб қилади, ўзаро беллаша оладиган кўпгина корхоналар бўлишини тақозо этади. Рақобатнинг асосий соҳаси - бозор, бозорда турли корхоналар товарлари рақобатга киришади. Рақобат фақат товарларни сотувчилар эмас, балки харидорлар ўртасида ҳам юз беради. Корхоналар керакли восита, хом ашё, материаллар сотиб олиш, ишчи кучини ёллаш учун ҳам курашадилар⁴, деб таъкидланади. Яъни, юқоридаги таърифлардан кўринадики, рақобат фақат бозор иқтисодиётига хос, деган қоида илгари сурилади.

А.Смит рақобатни бозордаги алоҳида сотувчи ва харидорларнинг нисбатан фойдали сотиш ва харидга эришиш учун беллашувини ифодаловчи хулқий категория сифатида талқин этган.

Й.Шумпетер рақобат иқтисодий ўсиш нуктаи назаридан янги товарлар, янги

⁴ Ўлмасов А., Тўхлиев Н. Бозор иқтисодиёти. Қисқача луғат-маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991,81-6.

технологиялар, эҳтиёжларни қондиришнинг янги манбалари, ташкилотлар янги турларининг эскилари билан оеллашувини намоён этади, деб таъкидлайди.

Таниқли инглиз олими М.Е.Портернинг тадқиқотларига кўра, алоҳида бозордаги рақобатнинг ҳолатини бешта рақобат кучи орқали тавсифлаш мумкин:

1. Рақобатлашувчи сотувчилар ўртасидаги беллашув.
 2. Бир бирини ўрнини босувчи ва нарх нуқтаи назаридан рақобатбардош бўлган товарлар ўртасидаги рақобат.
 3. Янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиш хавфи.
 4. Мол етказиб берувчиларнинг иқтисодий имкониятлари ва савдо қобилиятлари.
 5. Харидорларнинг иқтисодий имкониятлари ва савдо қобилиятлари.
- Модель рақобат кучларининг структуравий схемасини формулировка қилиш ва ўрганиш учун концептуал восита бўлиб ҳисобланади.

1-БҶБ. МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ-НИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Рақобатнинг иқтисодий мазмуни ва шаклланишининг асосий тамойиллари

Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлилиги деганда мамлакатнинг ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилияти тушунилади. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилиги бу иқтисодиётнинг тўловга қодир талабга мос келувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва ички ҳамда ташқи бозорларда сотиш қобилиятидир.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашганлиги, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олганлиги ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Мамлакатимизнинг рақобатбардошлиги охир-оқибатда маҳсулотнинг рақобатбардошлигига асосланади. Демак, тармоқларнинг, соҳаларнинг ва мамлакатнинг рақобатбардошлиги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги асосида таркиб топиб ривожланади.

Маҳсулот рақобатбардошлигини оширилиши иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширилшини тақозо этади. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши деганда унинг турли қисм ва бўлаклари ўртасидаги мураккаб пропорциялар ва ўзаро нисбатлари тушунилади.

Мураккаб тизим сифатида иқтисодиётнинг барча элементлари орасидаги шаклланган ва ўзгариб борадиган мураккаб пропорциялар ва ўзаро нисбатлар таркибий ўзгаришларни тавсифлайди.

Миллий хўжаликнинг мақбул таркиби, алоҳида турдаги ишлаб

чиқаришларнинг ривожланганлиги ва баланслашганлиги, уларнинг ўзаро мутаносиблиги ҳар қандай давлат ривожланишининг пировард мақсади – аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Мамлакат хўжалигининг турли бўлак ёки қисмларга қандай белгилар асосида ажратилишига кўра иқтисодиёт таркибий тузилишининг турлари ўзаро фарқланади.

Мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилиши шаклланишида унинг табиий ресурс салоҳияти, географик жойлашуви, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражаси каби омиллар муҳим аҳамиятга эга

Фермер хўжалиги ривожланган аграр индустриал мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибаларида ўзининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини тўла намоён этди. Шунга кўра, Ўзбекистонда ҳам фермер хўжаликларининг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, улар фаолиятининг зарур иқтисодий шарт-шароитлари яратилди, меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида фермер хўжаликларининг ташкил топиши аграр ислохотларнинг асосий мазмунини ташкил этди. Фермер хўжаликларининг ташкил этилиши босқичма-босқич ва изчиллик асосида олиб борилди.

Президентимиз И.Каримов фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор бериб қуйидагиларни таъкидлайди. «Ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда»³.

Республикада фермер хўжаликлари ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ЯИМнинг 17 % атрофида ишлаб чиқармоқда. Уларни айниқса пахта ва ғалла

³ И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т: Ўзбекистон. 2009 й.

етиштиришдаги тутган ўрни юқоридир. Уларнинг ҳиссаси пахта хом-ашёсида 99,1 фоизини ва ғаллада 79,2 фоизини ташкил этади. Мамлакатимизда 2013 йилда **7,804828** миллион тоннадан ортиқ дон, шу жумладан, **6,840786** миллион тонна буғдой етиштирилди. Тайёрланган пахта хом-ашёсининг ҳажми 3,51 миллион тоннага етди.

Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Ф-3077-сонли ва 2009 йил 12 октябрдаги «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларининг янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3287-сонли Фармойишлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ муҳтарам юртбошимиз И. А. Каримов мамлакатимиз аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш масаласини улкан, стратегик вазифа сифатида қўйиб, қисқа давр мобайнида ғалла мустақиллигига эришишни олий мақсад қилиб белгилади.

Ҳозирги кунда пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик ҳам қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳасига айланиб бораётгани айниқса эътиборга сазовор.

Ўтган йиллар давомида буғдойнинг 27 та, арпанинг 12 та маҳаллий янги навлари яратилиб, Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилди. Ҳозирги кунда буғдойнинг **28 та маҳаллий** янги навлари давлат нав синовидан ўтмоқда.

Селекция ва уруғчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш, жаҳон селекцияси ютуқларидан кенг фойдаланиш мақсадида Россиянинг Краснодар қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтидан ҳамда бошқа хорижий илмий муассасалардан 60 дан ортиқ янги буғдой навлари олиб келиниб, маҳаллий шароитга мослашган, серҳосил, юқори сифатли, касаллик ва зараркунандаларга чидамли 29 та янги навлари танлаб олиниб, ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Мамлакатимиз олимлари томонидан курғокчиликка чидамли эртапишар Чиллаки, Жайхун (Замин-1), Марс-1, Дўстлик, Бобир, Андижон-1, Андижон-2, Андижон-4, Дурдона, Саидазиз, Матонат ва бошқа маҳаллий буғдой навлари яратилиб ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Экилаётган уруғларнинг сифати 1991 йилга нисбатан 3-4 баробарга яхшиланди, 1-2 синф давлат стандарти талабларига жавоб берадиган уруғликнинг салмоғи 100 фоизни ташкил этди.

Ғаллачиликда фермерларга бугунги кунда асосий ўрин берилди. Деҳқоннинг ерга ва маҳсулотга нисбатан эгалик ҳиссининг уйғотилиши, унинг моддий манфаатдорлигига қанчалик замин яратишини маҳсулот яратувчи бугун тўлиқ англаб етди.

Сифатли уруғлик тайёрлаш мақсадида республика вилоятларида 46 та замонавий уруғликни тозалаб, саралаб, дорилаб, қадоқлаб берадиган цехлар курилиб, фаолият кўрсатмоқда.

Юқори унумли комбайнлар сонининг йилдан йилга ўсиши билан ғалла ўрим-йиғимини қисқа муддатларда ўтказиш имконини яратди, натижада ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш давомийлиги ҳар йили 4-5 кунга қисқариш, шунинг ҳисобига дон нобудгарчилигининг олди олинмоқда.

Навларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар бир минтақанинг табиий иқлим шароитига мос навларни тўғри танлаш ва жойлаштириш ҳисобига гектаридан 60-70 центнердан ҳосил етиштириш бўйича аниқ агротехник тавсиялар ишлаб чиқилди.

Президентимизнинг юқоридаги Фармойишлари асосида босқичма-босқич амалга оширилаётган тадбирлар қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислохатларни янада чуқурлаштириб фермер хўжаликларини барқарор ривожланиши учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Юқорида келтирилган маълумотлар биз танлаган мавзу ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига таълуқли эканлигини тўла асослайди.

1.2. Фермер хўжалиги маҳсулоти рақобатбардошлигини оширишнинг зарурлиги ва моҳияти.

Президентимизнинг 28.12.2008 йилдаги ПФ-4058 сонли фармонининг биринчи банди билан қабул қилинган инқирозга қарши чоралар Дастурида Ўзбекистон иқтисодиёти жумладан, уни таркибий қисми ҳисобланган қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланган. Дастурда корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг тўрт асосий йўналиши белгиланган бўлиб улар ўз мазмуни ва моҳиятига кўра тўлалигича маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Сабаби маҳсулот рақобатбардошлигини оширилиши жаҳон инқироzi шароитида иқтисодиётни барқарорлигини таъминлаш ва уни самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи омилига айланди.

Фермер хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кескин оширмасдан туриб уларни барқарор ривожланишини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш масалаларини ижобий ҳал этиш мумкин эмас. Президентимиз ушбу масалага тўхталиб қуйидагиларни таъкидлайди «...ўтган давр мобайнида ортирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни каътий талаб этмоқда»⁴.

Рақобатбардошлик даражаси маҳсулотнинг таннархи ва сифати асосида аниқланади.

Маҳсулот таннархи фермер хўжалиги самарадорлигини аниқлашда қўлланиладиган энг асосий иқтисодий категориялардан бири бўлиб, у ўзида фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасини акс

⁴ И.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т. Ўзбекистон – 2009 йил 23 бет.

эттиради. Маҳсулот рақобатбардошлигини оширилиши фермер хўжалигида фойдани кўпайтириш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиявий жиҳатдан таъминлаш, моддий манфаатдорликни ошириш асосида иқтисодий самарадорликни кескин кўтариш имкониятини беради.

Маҳсулот сифати эса унинг турига қараб ташқи кўриниши, қулайлиги, ихчамлиги, фойдалиниш муддати, нави, софлиги, тозалиги каби бир қатор хусусиятилари билан белгиланади. Тарихда сифат атамасига турлича таърифлар берилган. Жумладан, эрамиздан олдинги III- асрда Аристотель сифат атамасини предметлар ўртасидаги фарқлар ва уларни «яхши-ёмон» белгилари билан ажратиш деб таърифлаган бўлса, қадимги хитойликлар сифат «юқори навли», «қимматли» деган маънони англатишини таъкидлашган. XIX асрда яшаб ўтган машҳур файласуф Гегелнинг изоҳлашига кўра сифат ўзининг мавжудлиги билан баҳоланади ва нарса сифатини йўқотиши билан ўзлигини ҳам йўқотади. Хулоса қилиб айтилганда сифат унда мужассамланган хоссалар мужмуаси бўлиб аниқ бир эҳтиёжни қондиришга яроқлилигини билдиради. Сифат атамаси иқтисодий жиҳатдан маҳсулот ва хизматларни хосса ва таснифлари тўплами бўлиб маълум бир эҳтиёжларни қондириш қобилиятини билдиради.

Маҳсулот рақобатбардошлигини таркиб топиши жараёнига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларни қуйидагича тизимлаштириш мумкин (1.1-чизма).

Чизмада маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг икки асосий омили яъни маҳсулот таннархи ва сифатини таркиб топиши жараёни ҳамда уларнинг таркиби акс эттирилган. Чизмадан кўриниб турибдики маҳсулот таннархи ва уни сифати жуда мураккаб ва кўп қиррали категориялар ҳисобланиб улар ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларига таъллуклидир. Техник-технологик йўналишга таъллукли бўлган омиллар жумласига фермер хўжалигини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жорий этиш, ер участкаларини оптималлаштириш, кадрларни касбий тайёргарлигини ошириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни киритиш мумкин.

1.1-чизма

Мамлакат рақобатбардошлигининг таркиб
топиш жараёни ва унга таъсир этувчи омиллар

Техник-технологик омиллар асосида фермер хўжалигининг технологик мустақиллиги таркиб топади. Технологик мустақиллик деганда корхонанинг

махсулот етиштириш технологияси бўйича кўзда тутилган барча агротехник чора-тадбирларни мустақил равишда сифатли қилиб ўз вақтида ўткази олиши имконияти тушунилади. Бу фермер хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамланишини, мавжуд техника ва қишлоқ хўжалиги машиналаридан унумли фойдаланилишини, ишлаб чиқариш жараёнида янги технологияларни самарали қўллаш бўйича етарлича билимларга ва ишлаб чиқариш кўникмаларига эга бўлган мутахассис кадрлар билан таъминланишини тақозо этади.

Фермер хўжаликларнинг техник-технологик мустақиллигини таъминлаш, уларни экин майдонлари оптимал даражага етказиш бўйича ишлар махсус тасдиқланган истиқболли дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Фермер хўжалиги оилавий хўжалик юритиш шакли ҳисобланиб истиқболда агротехник чора-тадбирларни асосий қисмини (камида 80-85 фоизини) ўз кучи билан амалга ошириш учун зарур бўлган техника воситалари билан тўла таъминлаган бўлиши керак.

Юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этилиши фермер хўжаликларига ишлаб чиқаришда янги технологияларни самарали қўллаш асосида етиштирилаётган маҳсулотлари таннархини пасайтириш ва уни сифатини яхшилаш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида уларга маҳсулот рақобатбардошлигини ошириб иқтисодий самарадорликни талаб даражасига кўтариш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлиш учун мустаҳкам замин яратади. Фермер хўжалигида иқтисодий омиллардан самарали фойдаланиш уни иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш имкониятини яратади. Фермер хўжалигининг иқтисодий мустақиллиги уни етиштириган маҳсулотларини сотишдан тушган пул даромадлари ҳисобидан ўзининг барча харажатларни тўла қопланиши ва олинган фойда асосида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни белгиланган суръатларда амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлишидир.

Фермер хўжалигининг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган иқтисодий омиллар нафақат маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга таъсир кўрсатади балки уни молиявий соҳада рўёбга чиқишини ҳам таъминлайди. Сабаби рақобатбардошли маҳсулотни сотилиши, фойдани ҳосил қилиниши, уни қайтадан ишлаб чиқариш ресурсларига айланиши ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ташкил этилиши ва бошқарилиши иқтисодий омиллар асосида амалга оширилади.

Инқирозга қарши чоралар дастурини изчил амалга оширилиши асосида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланиши таъминланмоқда. Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000-йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1-марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2-марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

Хулоса қилиб айтилганда маҳсулот рақобатбардошлигини оширилиши уни мос ҳолдаги фойда билан юқори нархларда сотилиши учун мустаҳкам замин тайёрлайди. Маҳсулот рақобатбардошлиги кўп қиррали мураккаб иқтисодий категория ҳисобланиб унинг таркиб топиш ва оширилиши бир қатор омиллар асосида юз беради. Унга таъсир кўрсатадиган омилларни ўз моҳиятларига кўра техник-технологик ва иқтисодий йўналишдаги иккита алоҳида гуруҳларга ажратиш мумкин. Техник-технологик йўналишга таълуқли бўлган омиллар жумласига фермер хўжалигини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишлаб

чиқаришга янги техника ва технологияларни жорий этиш, ер участкаларини оптималлаштириш, кадрларни касбий тайёргарлигини ошириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни киритиш мумкин.

Техник-технологик омилар асосида фермер хўжалигининг технологик мустақиллиги таркиб топади. Технологик мустақиллик деганда корхонанинг маҳсулот етиштириш технологияси бўйича кўзда тутилган барча агротехник чора-тадбирларни мустақил равишда сифатли қилиб ўз вақтида ўткази олиши имконияти тушунилади. Бу фермер хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамланишини, мавжуд техника ва қишлоқ хўжалиги машиналаридан унумли фойдаланилишини, ишлаб чиқариш жараёнида янги технологияларни самарали қўллаш бўйича етарлича билимларга ва ишлаб чиқариш кўникмаларига эга бўлган мутахассис кадрлар билан таъминланишини тақозо этади.

Ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики пахта-ғалла йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларини аксарияти агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказиш учун зарур бўлган техника воситалари ва кадрлар билан тўла таъминланмаган бўлиб, технологик харита бўйича механизациялаштирилган ишларнинг барчаси муқобил ҳудудий ва марказий туман МТП ларнинг ёрдамида бажарилмоқда. Бу фермер хўжаликларида бирламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини асоссиз ортиб кетишига ва мос ҳолда самарадорлигини пасайишга олиб келмоқда.

Тўпланган тажрибалар шуни кўрсатадики пахта-ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлари ҳеч бўлмаганда чопиқ техникаси, яъни ТТЗ, МТЗ ва бошқа русумдаги чопиқ техника воситаларига эга бўлмасдан технологик мустақилликка эришишлари мумкин эмас. Амалдаги меъёрларга асосан ТТЗ ва МТЗ русумдаги 1 та чопиқ тракторининг қуввати суғориш картасининг ҳолатига қараб камида 50 гектар пахта майдонига ишлов беришга етади. Агар чопиқ тракторига белгиланган меъёр ошиб кетса фермер хўжалигида пахта етиштириш бўйича технологик

харитада белгиланган агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали ўтказиш имконияти яратилмайди. Аксинча меъёрдан кескин озайиб кетса маҳсулот бирлигига тўғри келадиган техника харажатлари асоссиз кўтарилиб пахта таннархини ошишига олиб келади. Натижада ҳар иккала ҳолатда ҳам пахтачилик тармоғидан олинadиган даромадлар қисқариб фермер хўжалигининг якуловчи асосий иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражаси кескин пасаяди.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича тузилган истиқболли дастурларда фермер хўжаликларини техника ва қишлоқ хўжалик машиналарини билан таъминлашни кескин яхшилаш асосида агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида янги технологиялардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу масалаларни ҳал этилишида юқоридаги ҳолатлар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Хулоса қилиб айтилганда фермер хўжаликларининг моддий-техника базаларини мустаҳкамлаш асосида уларни техник-технологик мустақилликларини тўла таъминлаш чора-тадбирларини кўриш лозим. Фермер хўжалиги оилавий хўжалик юритиш шакли ҳисобланиб истиқболда агротехник чора-тадбирларни асосий қисмини (камида 80-85 фоизини) ўз кучи билан амалга ошириш учун зарур бўлган техника воситалари билан тўла таъминлаган бўлиши керак. Фермер хўжаликларини ташқи химояланиш чора-тадбирларидан самарали фойдаланишларини йўлга қўйиш лозим. Бу соҳада хорижий давлатларда бўлгани сингари кооперативлар имкониятидан кенг фойдаланиш яхши натижа бериши мумкин. Фермер хўжаликлари бошлиқларини ва аъзоларини ҳуқуқий, иқтисодий, техник ва технологик соҳалардаги билимларини ва тажрибаларини ва кўникмаларини мустаҳкамлаш керак.

Юқоридаги масалаларнинг ижобий ҳал этилиши фермер хўжаликларига ишлаб чиқаришда янги технологияларни самарали қўллаш

асосида етиштирилаётган маҳсулотлари таннархини пасайтириш ва унинг сифатини яхшилаш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида уларга маҳсулот рақобатбардошлигини ошириб иқтисодий самарадорликни талаб даражасига кўтариш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлиш учун мустаҳкам замин яратади. Фермер хўжалигида иқтисодий омиллардан самарали фойдаланиш уни иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш имкониятини яратади. Фермер хўжалигининг иқтисодий мустақиллиги - унинг етиштирган маҳсулотларини сотишдан тушган пул даромадлари ҳисобидан ўзининг барча харажатларини тўла қопланиши ва олинган фойда асосида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни белгиланган суръатларда амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлишидир. Фермер хўжалигининг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган иқтисодий омиллар нафақат маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга таъсир кўрсатади балки унинг молиявий соҳада рўёбга чиқишини ҳам таъминлайди. Сабаби рақобатбардошли маҳсулотнинг сотилиши, фойдани ҳосил қилиниши, уни қайтадан ишлаб чиқариш ресурсларига айланиши ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ташкил этилиши ва бошқарилиши иқтисодий омиллар асосида амалга оширилади.

Республикада фермер хўжаликларни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий мустақиллигини босқичма-босқич мустаҳкамлаш бўйича бозор талабларига тўла жавоб берадиган иқтисодий тизимни шакллантирилиши ва самарали фаолият кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Натижада фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга асосланган энг самарали хўжалик юритиш шаклига айланди. Бу қишлоқда ўрта мулкдорлар қатламини таркиб топиши ва мустаҳкамланишини таъминлаб аграр соҳада бозор муносабатларининг ривожланиши учун

мустаҳкам замин тайёрламоқда. Сабаби мулкчилик муносабатлари ҳар қандай тузилма асосини ташкил этиб бу масалани ижобий ҳал қилмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиш мумкин эмас.

2-БҶ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Фермер хўжалигида эришилган иқтисодий самарадорлик ва унинг таҳлили

Мамлакатимиз иқтисодиёти учун жуда муҳим стратегик хом ашё бўлган пахтадан 300 дан ортиқ номдаги маҳсулотлар олинади. Пахта етиштириш бўйича деҳқонлар катта тажриба тўплаган. Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги моддий техника ресурслари билан талаб даражасида таъминланмаганлиги ва жаҳон бозорларидаги конъюнктура пахта етиштиришда самарадорликнинг жуда паст бўлишини келтириб чиқармоқда. Демак бу ердаги энг асосий муаммо бир бирлик пахта етиштириш ҳаражатларини камайтириш ҳисобига ҳал этилиши мумкин.

Пахтачиликда инсон омилининг таъсири чекланган характердаги табиий-экологик омиллар меъёрида бўлган шароитда агротехнологик, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий ёки ҳуқуқий омиллардан қай бирини бузилиши пахта етиштириш самарадорлигини пасайтиради. Шу нуқтаи назардан тармоқ ривожланиши ва иқтисодий самарадорлигини белгиловчи омилларни барчасига бир хил муносабатда бўлиш асосида улардан самарали фойдаланиш пахтачиликни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Пахтачилик ривож ва унинг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан ердан тўғри фойдаланиш ҳамда шу асосда ҳосилдорликни ошириш билан боғлиқдир. Бу

жараёнда пахтачилик иктисодий самарадорлиги табиий иқлим шароитлари доирасидаги фарқлар ва ўзгаришларга боғлиқ ҳолда шаклланади.

Иштихон туманидаги Малик фермер хўжалигида 35,4 гектар майдонда пахта етиштирилиб, 2013 йилда гектарига 32,2 центнердан юқори ҳосил олинган. Пахта майдони таҳлил даврида 2,74 мартага ошган.

2.1-жадвалда Малик фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иктисодий самарадорлик кўрсаткичлари акс эттирилган.

2.1-жадвал

Малик фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иктисодий самарадорлиги

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011 й	2012 й	2013 й	2013 йилда 2011 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	12,9	29,6	35,4	274,4
2	Ҳосилдорлик	ц/га	32,1	30,4	32,2	100,3
3	Ялпи ҳосил	ц	414,1	899,8	1139,9	275,3
4	Ишлаб чиқариш хара-жатлари	м.с	14546,6	33522,9	63505,7	436,6
	Шундан иш хақи	м.с	4262,2	9587,6	18670,7	438,1
5	Ходимлар сони	нафар	13	15	14	107,7
6	Ялпи маҳсулот	м.с	15785,4	40872,1	75335,9	477,3
7	Фойда	м.с	1238,8	7349,2	11830,2	955,0
8	1ц пахтанинг таннарни	сум	35129,1	37254,3	55712,6	158,6
9	1ц пахтани сотиш баҳоси	сум	38120,7	45421,5	66091,1	173,4
10	1 га ҳисобига: а)ялпи маҳсулот	м.с	1223,7	1380,8	2128,1	173,9
	б)ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	1127,6	1132,5	1793,9	159,1

11	1ходим хисобига: а)ялпи маҳсулот	м.с	1214,3	2724,8	5381,1	443,2
	б) иш ҳақи	м.с	327,9	639,2	1333,6	406,8
12	Рентабеллик	%	8,5	21,9	18,6	+10,1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пахта етиштиришда 2011-2013 йилларда иқтисодий самарадорлик анча ошган. Буни биз яқуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан кўришимиз мумкин. Рентабеллик даражаси таҳлил этилаётган даврда 8,5% дан 18,6%гача ошган. Аммо бу кўрсаткич ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай оладиган 30-35%лик даражадан анча пастдир.

Рентабеллик ошиши омили сифатида эса ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан устун даражада ўсишини кўрсатиш мумкин. Ҳақиқатдан, 2011-2013 йилларда ишлаб чиқариш ҳаражатлари 4,37 мартага ошган бир пайтда ялпи маҳсулотнинг ҳажми 4,77 мартага ошган. Ялпи маҳсулот билан ишлаб чиқариш ҳаражатларининг фарқи сифатида топиладиган фойда миқдори таҳлил даврида 1238,8 минг сўмдан 11830,2 минг сўмгача етган ёки 9,55 мартага ошган. 1 гектар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ҳажми 1223,7 минг сўмдан 2128,1 минг сўмга етган ёки 73,9 фоизга ошган.

Ишлаб чиқариш ҳаражатларини ялпи ҳосилга бўлиш натижасида 1 ц пахтанинг таннархини топиш мумкин. «Малик» фермер хўжалигида 2013 йилда таннарх 55712,6 сўмдан тушган бир даврда пахтанинг сотиш баҳоси 66091,1 сўмга тўғри келган.

Иқтисодий самарадорликка бевосита таъсир этувчи ишлаб чиқариш ҳаражатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби

тўғрисидаги Низом» да кўрсатилган. Унга кўра маҳсулот ишлаб чиқариш таннарини ҳосил қилувчи ҳаражатларнинг элементлари:

- а) ишлаб чиқаришнинг моддий ҳаражатлари
- б) меҳнатга ҳақ тўлаш ҳаражатлари
- в) ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар,
- г) асосий фондлар амортизациясига ўтказма,
- д) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа моддий ҳаражатлар .

«Малик» фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ўзгаришини 2.2-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз.

2.2-жадвал

Малик фермер хўжалигида пахта етиштириш ҳаражатлари ва уларнинг таркиби.

№	Ҳаражатлар тури	2010 й		2011 й		2012 й	
		минг сўм	%	минг сўм	%	минг сўм	%
1	Моддий ҳаражатлар	7651,5	52,6	16996,1	50,7	34102,5	53,7
	а) уруғлик	1352,8	9,3	2883,0	8,6	5144,0	8,1
	б) ўғитлар	1803,8	12,4	4223,9	12,6	9335,3	14,7
	в) Ё.М.М	1556,5	10,7	3922,2	11,7	8319,2	13,1
	г) иш ва хизматлар	1512,8	10,4	2547,7	7,6	5842,5	9,2
	д) бошқа моддий ҳаражатлар	1425,6	9,8	3419,3	10,2	5461,5	8,6
2	Меҳнат ҳақи ҳаражатлари	4509,4	31	9956,3	29,7	18670,7	29,4
3	Ижтимоий ажратмалар	1076,4	7,4	2480,7	7,4	4699,4	7,4
4	Асосий воситалар ва номоддий активларни эски-риши	960,1	6,6	2983,5	8,9	3619,8	5,7
5	Бошқа ҳаражатлар	349,1	2,4	1072,7	3,2	2413,2	3,8
	Жами	14546,6	100	33522,9	100	63505,7	100

2.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Малик фермер хўжалигида пахта етиштириш учун сарфланган ҳаражатлар барча элементлар бўйича 2011

йилга нисбатан ортган. Жумладан, моддий харажатлар жами ишлаб чиқариш харажатларининг салмоқли 52-53 фоизини ташкил этган.

Малик фермер хўжалигида минерал ўғитлар учун харажатлар 2012 йилда 1803,8 минг сўмдан 2013 йилда 9335,3 минг сўмга етган. Жами харажатлар таркибида эса 14,7%ни ташкил этган.

Пахта етиштириш жараёнида деҳқоннинг фаноти бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларини ўрни жуда катта. Албатта улардан фойдаланиш жараёнида ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва техник сервис хизматлари учун харажатлар талаб қилади. Шу ўринда дизел ёқилғиси учун харажатлар салмоқли аҳамият касб этади. Таҳлил даврида Малик фермер хўжалигида 1556,5 минг сўмдан 8319,2 минг сўмгача, яъни жами харажатларнинг 10,7-13,1 фоизи миқдорида харажат қилинган.

Фермер хўжалиги аъзолари иш ҳақи тўлаш учун харажатлар жамига нисбатан 29,4 фоизни ташкил этган. Иш ҳақи фондига 2011 йилда 4509,4 минг сўмдан 2013 йилда 18670,7 минг сўмга етган.

Хўжаликда мавжуд бўлган ва салмоқли ўринга эга бўлган асосий воситаларига амортизация тўловлари таҳлил даврида 960,1 минг сўмдан 3619,8 минг сўмгача ўтказилган.

Жами ишлаб чиқариш харажатлари 2011 йилдаги 14546,6 минг сўмдан 2013 йилда 63505,7 минг сўмгача ўзгарган.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги бир нечта кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Бунинг учун ялпи маҳсулот, ишлаб чиқариш харажатлари ва хўжалик фаолияти натижасида олинган фойда асос бўлади. Рентабеллик даражасини фойданинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати орқали топилишини инобатга оладиган бўлсак, равшан бўладики, фойданинг даражаси юқори ва харажатларнинг нисбатан паст даражада бўлиши талаб этилади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари жумладан буғдой дони етиштириш учун илмий

асосланган агротехника чора-тадбирлари ишлаб чиқилган ва амалиётга тавсия этилган. Унга кўра ўз муддатларида тупроқни экишга тайёрлаш, экиш, ўғитлаш, суғориш, зараркунандалардан ҳимоя қилиш зарур бўлади. Бундан ташқари иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар, амортизация фондига тўловлар ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси маълум даражадаги ҳаражатларни талаб қилади (2.3-жадвал).

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида, эркин нархлар амал қилувчи бозор иқтисодиётида моддий –техника ресурсларининг нархлари ва ўз навбатида буғдой ишлаб чиқариш ҳаражатлари объектив тарзда ўсиб боришини келтириб чиқаради.

2.3-жадвал

Малик фермер хўжалигида буғдой ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011 й	2012 й	2013й	2013 йилда 2011 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	24,5	35,8	30	122,4
2	Ҳосилдорлик	ц/га	46,4	47,2	47,8	103,0
3	Ялпи ҳосил	ц	1136,8	1689,76	1434	126,1
4	Ишлаб чиқариш ҳара-жатлари	м.с	16991,3	32058,3	33653,4	198,1
	Шундан иш ҳақи	м.с	2871,5	5546,1	6730,7	234,4
5	Ходимлар сони	нафар	2	3	3	150,0
6	Ялпи маҳсулот	м.с	21187,0	41208,5	45859,8	216,5
7	Фойда	м.с	4195,7	9150,2	12206,4	290,9
8	1ц буғдойнинг таннари	сум	14946,6	18972,1	23468,2	157,0
9	1ц буғдойни сотиш баҳоси	сум	18637,4	24387,2	31980,3	171,6
10	1 га ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	864,8	1151,1	1528,7	176,8
	б) Ишлаб чиқариш ҳара-жатлари	м.с	693,5	895,5	1121,8	161,8

1 2	1ходим ҳисобига: а)ялпи маҳсулот	м.с	10593, 5	13736,2	15286, 6	144,3
	б) иш ҳақи	м.с	1435,8	1848,7	2243,6	156,3
1 3	Рентабеллик	%	24,7	28,5	36,3	11,6

2.3-жадвалда «Малик» фермер хўжалигининг ғаллачилик тармоғида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган 2011-2013 йилларда бир қатор ижобий натижаларга эришилган. Экин майдони таҳлил даврида 3,1 мартага ошган.

«Малик» фермер хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари 2011 йилдаги 8095,3 минг сўмдан 2013 йилда 56818,1 минг сўмга етган ёки 7,02 мартага ортган. Экин майдонининг анча ортганлиги ҳамда ҳозирги мураккаб ўтиш шароитида буғдой етиштириш учун талаб қилинадиган моддий-техника ресурсларининг нархлари ортиб бориши объектив жараён бўлганлиги учун ишлаб чиқариш харажатлари ортиб бормоқда. Ушбу ҳолат албатта биз таҳлил қилаётган фермер хўжалигига ҳам тааллуқлидир.

Ривожланишга ҳаракат қилаётган фермер хўжалигида ялпи маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатларидан паст даражада ўстиришга эришилган. Буғдой ялпи маҳсулоти ҳажми 2011 йилдаги 8566,6 минг сўмдан 2013 йилда 68062 минг сўмга етган ёки 7,94 мартага ортган. Бунинг асосий омиллари сифатида ер майдонининг ошиши, 1 ц буғдойнинг сотиш баҳоси 17828,2 сўмдан 21470,2 сўмгача ортишини кўрсатиш мумкин.

Ғаллачилик тармоғидаги ялпи маҳсулот ҳажмидан ишлаб чиқариш харажатларини айириб ташлаш натижасида фермер хўжалигининг фойдаси ҳисобланади. Фермер хўжалигида фойда 471,3 минг сўмдан 11243,9 минг сўмгача ёки 2011 йилга нисбатан 23 мартага ошган.

Асл моҳиятини олиб қаралганда фермер хўжалиги аъзолари асосан ўз оила аъзолари бўлганлиги учун ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги иш ҳақи

фермер хўжалигининг ўзида қолади, деб айтиш мумкин. Шунинг учун иш ҳақини фойдага кўшиш натижасида фермер хўжалигининг даромадини аниқлаш мумкин. «Малик» фермер хўжалигининг шу усулда ҳисобланган ғаллачиликдан олган даромади 2325,1 минг сўмдан 2013 йилда 24425,7 минг сўмга етган ёки 10,5 мартага ортган.

Фермер хўжалигининг ердан фойдаланиш бўйича иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари ҳам анча ёмонлашган. Жумладан 1 гектар буғдой экилган майдонга тўғри келувчи ялпи маҳсулот ҳажми 2011 йилдаги 501 минг сўмдан 2013 йилда 1281,8 минг сўмга етган ёки 2008 йилга нисбатан 2,55 мартага ошган.

Маълумки, ғаллачиликда пахтачиликдагига қараганда анча кам меҳнат сарфи талаб этилади. Шунинг учун хўжаликдаги мавжуд ҳодимларнинг 12 нафаригина ёки 17,4 фоизи буғдой етиштиришдаги агротехник тадбирларни амалга ошириш учун жалб қилинган.

«Малик» фермер хўжалигининг ғаллачилик тармоғида ишлаш учун жалб этилган ишчиларнинг ўртача ҳар бирига тўғри келувчи ялпи маҳсулот ҳажми 2011 йилдаги 1223,8 минг сўмдан 2013 йилда 5671,8 минг сўмга етган ёки 4,63 мартага ортган. Шу ўринда ҳар бир ишчининг йиллик иш ҳақи 1098,5 минг сўмни ташкил этган.

Юқоридаги барча кўрсаткичларни умумлаштирган ҳолда ғаллачиликда якуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабелликни аниқлаш мумкин. Фермер хўжалигининг ғаллачиликдан олган фойдасини жами ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатини фоиз ҳисобида олиш натижасида рентабеллик даражаси 2011 йилдаги 5,8% даражадан 2013 йилда 19,8% гача ошган.

Бу кўрсаткичнинг ошиши сабаби юқорида таъкидланганидек, ялпи маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан юқори даражада ўсиши ҳисобланади. Аммо бу ҳали кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай олмайди. Ҳозирги шароитда оптимал рентабеллик бўлган 50-55%ли

рентабеллик даражасига эришиш учун ҳали имкониятларни топиш зарур.

Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда асосий омиллардан бири ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади. Маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқариш харажатлари қанча кам бўлса, самарадорлик шунча юқори бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш харажатларининг мунтазам ортиб бориши қонуниятли жараёндир. «Малик» фермер хўжалигида бугдой етиштириш учун сарфланган харажатларни 2.4-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш харажатларининг салмоқли қисмини моддий харажатлар эгаллайди ва 2011-2013 йилларда мос ҳолда 60,8 ва 47,6 фоизни ташкил қилган. Моддий харажатлар таркибига эса, маълумки, бевосита ҳосилдорликка таъсир этувчи уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи, иш ва техник хизматлар, ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш каби харажатлар киради.

2.4-жадвал

«Малик» фермер хўжалигида бугдой етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби

№	Харажатлар тури	2011 й		2012 й		2013й	
		минг сўм	%	минг сўм	%	минг сўм	%
1	Моддий харажатлар	9345,2	55	17279,4	53,9	19182,4	57
	а) уруғлик	5097,4	30	2789,1	8,7	11105,6	33
	б) ўғитлар	4927,5	29	5802,6	18,1	8749,9	26
	в) Ё.М.М	5437,2	32	4167,6	13	11442,2	34
	г) иш ва хизматлар	849,6	5	4135,5	12,9	1682,7	5
	д) бошка моддий харажатлар	679,7	4	1635,0	5,1	673,1	2
2	Меҳнат хаки харажатлари	3891,0	22,9	7790,2	24,3	7807,6	23,2
3	Ижтимоий	968,5	5,7	1955,6	6,1	1951,9	5,8

	ажратмалар						
4	Асосий воситалар ва но-моддий активларни эски-риши	1614,2	9,5	2692,9	8,4	3129,8	9,3
5	Бошка харажатлар	1036,5	6,1	2340,3	7,3	1783,6	5,3
	Жами	16991,3	100	32058,3	100	33653,4	100

Уруғлик учун харажатлар 2011 йилда 736,7 минг сўм, 2013 йилда 5 млн сўмни ташкил қилиб, мос даврлардаги умумий харажатларда 9,1-8,8 фоизни ташкил қилган.

Нефт базаси билан ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб бериш бўйича шартнома тузилган. Қишлоқ хўжалигида буғдой етиштириш жараёнида ерни экишга тайёрлаш, экиш, ўғитлаш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш каби кўрсатиладиган техник хизматлар учун маълум миқдорда ёқилғи сарфланади. Моддий харажатлар таркибида ёқилғи учун сарфланган харажатлар 2011 йилда 1068,6 минг сўмдан 2013 йилда 6363,6 минг сўмга етган. Ёқилғи-мойлаш материалларининг жами буғдой етиштириш харажатларидаги салмоғи таҳлил даврида 13,2-11,2 фоизни ташкил этган.

Меҳнат ҳақи харажатлари ҳам жами ишлаб чиқариш харажатларининг 22,9-30,4 фоизи миқдорида сарфланган. Хўжаликдаги ишчиларни моддий жиҳатдан яхши таъминлаш, албатта меҳнат натижаларидан манфаатдорликни оширади. Шу сабабли хўжаликда таҳлил даврида жами 1853,8 минг сўм ва 17272,7 минг сўм иш ҳақиға ажратилган.

Фермер хўжалигида иш ҳақи фондидан ижтимоий ажратмалар ўтказиб борилган. Фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида 2011 йилдан бошлаб 24% ажратилган бўлиб, 463,5 минг сўмдан 4318,2 минг сўмгача ошган.

Фермер хўжалигида буғдой етиштириш харажатлари барча элементлари

бўйича 2011 йилга нисбатан кескин ўсган бўлсада, ялпи маҳсулотнинг ундан юқорироқ даражада ошиши ҳисобига юқори рентабеллик даражасига эришилган. Жами ишлаб чиқариш харажатларини етиштирилган ялпи ҳосил миқдорига бўлиш натижасида бир центнер буғдой ҳосилининг таннархи келиб чиқади. Фермер хўжалигида бир центнер буғдой таннархи кўрсаткичи 2011 йилда 16847,4 сўм ва 2013 йилда 17923,3 сўм миқдорига тўғри келади.

Мазкур ҳолат фермер хўжалигида дончиликдаги барча ишлаб чиқариш харажатларини тўғри режалаштирилган ҳолда оқилона сарфланганлигини ва шунинг натижасида ижобий 19,8% лик рентабелликка эришганлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, фермер хўжалиги иқтисодий кўрсаткичларини таҳлили натижасида мазкур фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолати, бошқарув самарадорлигини ифодаловчи иқтисодий самарадорлик, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш ҳолати баҳо бериш имкониятига эга бўлди.

2.2. Фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини ошириш имкониятлари.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмасининг бекор қилиниши (пахта ва ғалладан ташқари) фермер хўжаликларига етиштирилган маҳсулот ўз ихтиёрида бўлиши ҳамда уни ички ва ташқи бозорларга бевосита олиб чиқишига имкон беради. Эндиликда фермер хўжаликлари нафақат маҳсулот ишлаб чиқариши, балки кескин рақобот шароитида уни сота олиши ҳам керак.

Бу фермер хўжаликларини кўп нарсаларга мажбур этади. Жумладан:

-ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини калькуляция қила олиши ва ишлаб чиқариш харажатларини қоплайдиган ҳамда бозор нархларидан баланд бўлмаган нарх ўрната билиши керак;

-маҳсулот харидоргир бўлиши керак, яъни маҳсулот етиштирувчи бозор вазиятни ўрганиши ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариши керак;

Фермер хўжаликлари юқорида қайд этилган омилларни бажарган

такдирдагина самарали фаолият юритишлари мумкин.

Фермер хўжалигида рақобат муҳитини яратиш иқтисодиётни бошқа соҳаларидан тубдан фарқ қилади, яъни об-ҳаво шароити, биологик жараёнлар, маҳсулот етиштириш даврининг узоқлиги, ресурслар сифати каби хусусиятлар билан ажралиб туради. Шунинг учун маҳсулотни сақлаш ва узоқ масофага ташиш имкониятларнинг чегараланганлиги албатта рақобат муҳитига таъсир этади.

Фермер хўжалигидаги рақобат, рақобатбардошлик ва рақобат муҳити тушунчаларига тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари ва таъсир этиш жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ёндошиш зарур.

Фермер хўжалигида рақобат ва рақобат муҳити тушунчаларига тавсиф беришда қуйидагиларни эътиборга қаратиш керак:

-фермер хўжалиги ўз жойлашувига кўра қулай жойларни танлаш имкониятга эга эмаслиги;

-фермер хўжалиги ишлаб чиқаришда маълум тоифадаги хўжалик субъектларини бошқа минтақалардагига нисбатан қулай шароит, сифатли ва кам харажат эвазига маҳсулот етиштириш, сақлаш ва ташиш харажатларини иқтисод қилиш ҳисобидан локал монополиянинг ривожланганлиги.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ички бозорда рақобат бўлмаса, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар ҳеч қачон жаҳон бозорида мустаҳкам ўринни эгаллай олмайдилар. Мазкур омил янгилик яратишни ривожлантириш ва меҳнат самародорлигини оширишга ёрдам беради. Товарнинг рақобатбардошлигини унинг бозордаги тижорат муваффақияти белгилаб беради. Рақобатбардошлик деганда рақобат товарлари ва уларнинг аналоглари катта миқдорда таклиф этилаётган шароитларда уларни бошқалардан устунлигини кўрсатувчи истеъмол ва қиймат кўрсаткичлари тушунилади.

Фермер хўжаликларида рақобатбардошликни ошириш умуман олганда, ижобий томонга бўлган катта қадам ҳисобланади, чунки интеграциянинг бу шакли айни вақтда маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот ишлаб

чиқарувчилар ўртасида рақобат муҳитини яратиш, маркетингни ривожлантириш ҳамда табиий ва қайта ишланган ҳолдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилиш хизмати ўртасидаги рақобат муҳити, сервис хизматлари кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги рақобат муҳитини яратиш муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Маҳсулотнинг юқори рақобатбардошлик даражасининг асоси унинг сифати ҳисобланади (2.1- чизма).

Бу табиий равишда бозор субъекти сифатида ушбу тоифадаги хўжаликлар ва улар билан иқтисодий ҳамкорликда бўлган бошқа корхоналар ўртасида рақобатни юзага келтиради. Бу бозор шароитларида амал қилувчи бир қатор сабаблар билан изоҳланади:


-қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжаликлар маҳсулотларни ўзларига қулай бўлган шароитларда сотиш учун кам харажатли ҳамда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида рақобат муҳитида фаолият кўрсатишлари керак;

2.1-чизма. Фермер хўжаликларида маҳсулот рақобатбардошлигини шаклланиши

-қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ўз мулкидан фойдаланишда иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан фойдалироқ натижаларни таъминланиши керак. Акс ҳолда мулкдан ушбу тарзда фойдаланиш мақсадга мувофиқми деган савол юзага келиши мумкин. Шу сабабли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар юқори даромад олиши учун мулкдан самарали фойдаланиш ва бошқа мулк шаклидаги корхоналар билан ҳам рақобатбардош бўлиши керак;

-қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўз иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни беками кўст уддалаб бориши учун яқин келажакда ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ва бунинг учун барқарор имкониятларга эга бўлиши зарур. Бунинг сабаби улар жойлашган минтақанинг табиий иқлим шароитлари ва хусусиятлари туфайли ўз фаолияти ва ишлаб чиқариш ихтисослигини ўзгартириш учун кенг имкониятларга эга бўлмайди. Бундан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар кўплаб корхоналар билан, хусусан уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма корхоналари билан алоқаларни ўрнатишга эҳтиёж сезади.

Изоҳланган вазиятлар минтақавий бозор хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳолаш босқичма - босқич бозор конъюктурасини ўрганиш ва маҳсулот бозорида рақобатни ривожланишини башорат қилишни тақозо этади.



2.2-расм. Минтақавий бозорда фермер хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳолаш босқичлари

Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқараётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини баҳолашнинг ташкилий модели 2.2-расмда акс эттирилган.

2.5-жадвал

Минтақавий бозорда турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари рақобатбардошлигининг интеграл кўрсаткичларининг ҳисоблаш алгоритми

т/р	Рақобатбардошлик кўрсаткичи	Минтақа бўйича ўртача	Товар ишлаб чиқарувчилар					
			A	B	C	D	...	N
1.	Натурал ва қиймат кўрсаткичлари							
1.1.	Ҳосилдорлик, ц/га	X	X ₁	X ₂	X ₃	X ₄		X _n
1.2.	Ишлаб чиқариш таннари, 1 ц/га, минг сўм	T	T ₁	T ₂	T ₃	T ₄		T _n

1.3.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотув нархи, 1 ц.га, минг сўм	C	C ₁	C ₂	C ₃	C ₄		C _n
1.4.	Улгуржи нархи, 1 ц.га, минг сўм	У	У ₁	У ₂	У ₃	У ₄		У _n
.	Чакана нархи, 1 ц.га, минг сўм	Ч	Ч ₁	Ч ₂	Ч ₃	Ч ₄		Ч _n
Нисбий кўрсаткичлар минтақа бўйича ўртача кўрсаткичларга нисбати, %да								
2.1.	Ҳосилдорлик, ц/га	100	$X_1/X*100$	$X_2/X*100$				$X_n/X*100$
2.2.	Ишлаб чиқариш таннархи, 1 ц/га, минг сўм	100	$T_1/T*100$	$T_2/T*100$				$T_n/T*100$
	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотув нархи	100	$C_1/C*100$	$C_2/C*100$				$C_n/C*100$
2.4.	Улгуржи нархи,	100	$Y_1/Y*100$	$Y_2/Y*100$				$Y_n/Y*100$
2.5.	Чакана нархи	100	$Ч_1/Ч*100$	$Ч_2/Ч*100$				$Ч_n/Ч*100$
2.6.	Жами баллар(% кўринишида)	500	2.1+...+2.5 йиғин-диси	2.1+...+2.5 йиғин-диси				2.1+...+2.5 йиғин-диси
3.	Рақобатбардошлик интеграл кўрсаткичи (ўртача баллар)	100	2.6 сатрнинг 5 га нисбати	2.6 сатрнинг 5 га нисбати				2.6 сатрнинг 5 га нисбати
4.	Қишлоқ хўжалик рейтинги		Интеграл кўрсаткичнинг ўсиб бориш тартибида аниқланади (3-сатрдан)					

Таклиф қилинаётган ёндашувда рақобатбардошлик кўрсаткичларини аниқлаш масаласи алоҳида эътиборга лойиқдир. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари унда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини баҳолаш учун ҳам натурал, ҳам қиймат кўрсаткичлари асосида аниқланувчи умумлашган (интеграл) кўрсаткичларидан фойдаланишни

тақозо этади (2.5-жадвал).

Натурал кўрсаткичлар қаторига экинларнинг ҳосилдорлиги, чорва молларининг маҳсулдорлиги, вазн бирлигига сарфланувчи ем-хашак миқдори ва ҳоказолар киради. Қиймат кўрсаткичларига эса ишлаб чиқариш таннари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг товар бозоридаги улгуржи ва чакана нархлари киради.

Нисбий кўрсаткичлар муайян хўжалик бўйича кўрсаткичларнинг минтақа бўйича мос келувчи ўртача кўрсаткичга нисбатининг фоиз шаклида олиниши мумкин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳолашнинг келтирилган модели минтақа миқёсида қишлоқ хўжалик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни, хусусан фермер хўжаликларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга аниқ йўналтириш имконини беради.

Маҳсулотлар рақобатбардошлигини баҳолашнинг юқорида кўриб чиқилган ёндашуви ишлаб чиқариш корхоналарнинг бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар билан рақобат қилиш имкониятларини аниқлаб улар фаолиятининг иқтисодий таркибини тавсифлаши мумкин.

Минтақада ҳар бир фермер учун маҳсулот рақобатбардошлигини интеграл баҳолаш кўрсаткичлари таҳлил қилинаётган фермер хўжаликларнинг рейтинги бўйича тақсимлаш ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишда асосий йўналишларни аниқлашга имкон яратади.

Мисол сифатиди Самарқанд вилояти асосий мева етказиб берувчи туманларини рейтингини аниқлаймиз (2.6-жадвал).

2.6-жадвал

Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалик маҳсулотлари рақобатбардошлигининг интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаш (мева)

т/р	батбардошлик ткичи	Минтака бўйича ўртача	Товар ишлаб чиқарувчилар					
			Булунғур	Жомбой	Иштихо н	Катта- Қўрғ.	Нар пай	Оқдарё
1.	Натурал ва киймат кўрсаткичлари							
1.1.	Ҳосилдорлик, ц/га	120,3	107	148,5	123,1	93,2	85	187,1
1.2.	Ишлаб чиқариш таннархи, 1 ц/га, минг сўм	20,7	23,4	20,7	10,6	20,0	21, 1	20,5
1.3.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотув нархи, 1 ц.га, минг сўм	26,5	30,0	26,0	25,0	25,0	28, 0	25,0
1.4.	Улгуржи нархи, 1 ц.га, минг сўм	26,5	30,0	26,0	25,0	25,0	28, 0	25,0
1.5.	Чакана нархи, 1 ц.га, минг сўм	33,01	36,0	31,2	30,0	30,0	39, 2	31,2
	Нисбий кўрсаткичлар минтақа бўйича ўртача кўрсаткичларга нисбати, %да							
2.1.	Ҳосилдорлик, ц/га	100	88,8	123	102,5	77,7	70, 7	155
2.2.	Ишлаб чиқариш таннархи, 1 ц/га, минг сўм	100	113	100	94,6	96,7	10 2	99,03
2.3.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотув нархи	100	113,2	97,4	93,9	83,9	10 5,7	93,9
2.4.	Улгуржи нархи,	100	113,2	97,4	93,9	83,9	10 5,7	93,9
2.5.	Чакана нархи	100	108,8	94,5	90,9	90,9	11 8,5	94,5
2.6.	Жами баллар(% кўринишида)	500	537	512,3	475,8	453,1	50 2,5	540,8
3.	Рақобатбардошлик интеграл кўрсаткичи (ўртача баллар)	100	107,4	102,4	95,16	90,7	10 5	108,1
4.	Қишлоқ хўжалик рейтинги		2	4	5	6	3	1

Жадвалдан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалик рейтингида 1-ўринни Оқдарё тумани, 2-ўринни Булунғур, 3-ўрин Нарпай, 4-ўринни Жомбой, 5-ўринни Иштихон, 6-ўринни Каттакўрғон туманлари эгаллашди. Мева бўйича рақобатбардош маҳсулотни Оқдарё тумани етказиб берар экан.

III-Бoб. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини баҳолаш мезонлари ва усуллари

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида фермер хўжаликларининг устувор ривожланишида уларни рақобатбардошлигини ошириш муаммолари муҳим аҳамият касб этади. Бунда ушбу муаммони ечими аксарият жиҳатдан қишлоқ хўжалигида рақобатбардошликни давлат томонидан тартибга солишни комплекс усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллашга боғлиқдир. Ваҳоланки, ресурслар чекланганлиги шароитида улардан самарали фойдаланиш учун қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларини ривожланиши асосий омил бўлиши рақобатбардошликни оширишга боғлиқдир.

Шу нуқтаи назардан ҳам мавжуд ресурсларни самарали тақсимлаш ва фойдаланишнинг асосий йўналиши сифатида фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини ошириш мезонлари нафақат назарий балки амалий жиҳатдан ҳам муҳимдир.

Авваламбор, қишлоқ хўжалигида рақобатбардошлик, умумий тарзда учта йўналиш бўйича аниқлаштирилиши мумкин. Жумладан:

- хўжалик субъектлари турлари;
- тадбиркорлик фаолияти соҳалари;
- тадбиркорликнинг аниқ предмети, яъни агробизнесни мавжуд соҳаларини асосий қисмлари тизими (товарлар рақобатбардошлиги).

Ушбу йўналишлардан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларини аграр тадбиркорлик субъекти сифатида рақобатбардошлиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни хусусий мулкчилик асосида кенгайтирилган ҳолда кам харажат сарф қилиш ҳолатидан иборат.

Фермер хўжаликларининг ҳажмини кичик, ўрта ва йирикликдан келиб

чиққан ҳолда, рақобатбардошлигини чегараловчи иқтисодий-институционал шароитларни яхшилаш зарур. Бизнинг фикримизча улар қуйидагилардан иборат яъни:

- фаолиятини ташкил этишда табиий шароитларнинг турлилиги;
- молиявий маблағларни жалб этиш ва фойдаланишдаги таъминот даражаси;
- моддий-техника базасини шаклланиши;
- мутахассислар билан таъминланганлик ва уларнинг малакаси тажрибаси даражаси;
- фермер хўжаликларининг харажатларни тежаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш даражаси;
- фермер хўжаликларини ихтисослашуви;
- фермер хўжаликлиги фаолият юритаётган ҳудудда инфратузилма мажмуининг ривожланганлик даражаси;
- фермер хўжаликларининг самарали фаолият юритишига қаратилган давлат томонидан тартибга солиш механизмлари ва дастакларидан фойдаланиш.

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш-тижорат фаолиятини ташкил этишнинг синалган йўл-йўриғи мавжуд эмаслиги сабабли бозор иқтисодиёти механизмига мос ва реал меъёрий-услубий ҳужжатлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан ҳам фермер хўжаликларининг хатарларга қарши фаолиятини барча босқичларида ўзида мужассам этган меъёрий-услубий мажмуа ишлаб чиқилиши ва унда қуйидаги жиҳатлар ўз аксини топмоғи лозим:

- хўжалик хатарлари таҳлили жараёни;
- бошқариш жараёнини шакллантириш;
- хўжалик хатарларини бошқаришни ташкил этиш;
- хатарлар таҳлиллардан фойдаланиш ва англатиш, нашр этиш услуби;
- хатарларни бартараф этиш тадбирларини шакллантириш режаси услуби.

Фермер хўжалигини рақобатбардошлигини таъминлашда харажатларни қисқартириш ва хатарларга қарши асосий вазифалар амалга оширилиши юқорида

таъкидланган меъёрий услубий мажмуани асосини ташкил этади.

Ушбу вазифалар жумласига, қуйидагиларни киритиш мумкин:

-фермер хўжаликларини ишлаб чиқариш харажатларини ошишига шароит яратувчи сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш;

-фермер хўжаликлари рақобатбардошлиги даражасини таснифловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

-хатарларга қарши бошқаришни ташкилий-иқтисодий усуллари ва технологияларидан фойдаланиш;

Агробизнес тизимида фермер хўжаликларини барқарор фаолият юритиши бевосита ўзида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдори ва сифатини акс эттирган ишлаб чиқариш харажатлари ва меҳнат унумдорлиги даражаларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам фермер хўжаликларининг самарали фаолият юритиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори ва сифати, тадбиркорлик даромади ва баҳони даражалаш ўртасидаги ўзаро муносабатларга боғлиқдир.

Фермер хўжаликларини рақобатбардошлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири-тадбиркорлик даражаси ҳисобланади. Тадбиркорлик даражаси эса, бевосита қишлоқ хўжалиги товарлари бозорида шаклланган талаб-таклифлар ва баҳо асосидаги тадбиркорликни даромади даражасига боғлиқдир. Бу эса фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ихтисослашуvidан келиб чиққан ҳолда турли товарлилик даражасига эга бўлиши орқали, уларнинг рақобатбардошлилиги даражасини ҳам белгилаб беради.

Авваламбор, фермер хўжаликларини рақобатбардошлигини баҳолашга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи билан уларни рақобатбардошлиги муаммоларининг ўзаро боғлиқлиги нуқтаи назаридан ёндашиш агробизнес тизимида амалий жиҳатдан тўғри йўналиш ҳисобланади.

Ушбу жараёни қуйидаги ўзаро боғлиқликда таъкидлаш мумкин:

$$\Phi X_p = F(\text{БД, ИЧР, ДФХРТУ}) \quad (3.1)$$

Бунда,

ФХр-фермер хўжаликлари рақобатбардошлиги;

БД-фермерларни товар гуруҳлари бўйича баҳолар даражаси;

ИЧР-ишлаб чиқариш ресурслари мавжудлиги, тақсимоти ва фойдаланиш
йўналишлари (асосий ва айланма капитал);

ДФХРТУ- фермер хўжаликларини рақобатбардошлиги даражасини ошишига
давлатнинг таъсири усуллари.

Ушбу моделни фермер хўжаликларини рақобатбардошлигини баҳолашда
дастлабки босқич сифатида эътироф этиш мумкин.

Бироқ қишлоқ хўжалигида рақобатбардошлик ер-меҳнат ва капиталдан
самарали фойдаланишга боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ҳам фермер
хўжаликлари рақобатбардошлиги омилларини қуйидаги ўзаро боғлиқликдаги
моделини тавсия этиш мумкин:

$$ФХ_r = f(C_{ep}, C_{m}, C_k, ИФ, ИЧВТД, ФД, ИХ, ДҚК), \quad (3.2)$$

Бунда

ФХр-фермер хўжаликлари рақобатбардошлиги;

C_{ep} -Фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиш даражаси;

C_k, C_m -Фермер хўжаликларининг капитал ва меҳнатдан фойдаланиш
даражаси;

ИФ- фермер хўжаликларда ишлаб чиқариш воситалари;

ИЧВТД- фермер хўжаликларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан
таъминланганлик даражаси;

ФД- фермер хўжаликларнинг фонд билан таъминланганлик даражаси;

ИХ-иш ҳақи;

ДҚК-фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.

Фермер хўжаликларини барқарорлигини баҳолашни бошланғич категорияни
ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳисобланади. Фермер
хўжаликларининг рақобатбардошлигини таъминлашда давлатнинг

кўллаб-қувватлаши муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мана шу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини баҳолашда агробизнес тизимида рақобатбардошлиги даражасини аниқлаш ва рақобатбардошлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Бундай ҳисоблашни қуйидаги формула орқали амалга ошириш мумкин:

$$P^{\Phi D} = \sum_{j=1}^n \frac{СП_j}{СП_j^R}$$

Бунда: $P^{\Phi D}$ - алоҳида фермернинг рақобатбардошлиги даражаси;

$СП_j$ ($СП_j^R$) - қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, j -сифат параметри; R - озиқ-овқат маҳсулотлари параметрлари сифатини баҳолаш сони.

Шундан келиб чиққан ҳолда аниқ фермер хўжалигининг маҳсулотини рақобатбардошлиги кўрсаткични у ёки бу маҳсулотни иқтисодий параметрларини аниқлаш билан тўлдириш мумкин. Буни эса қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$P^{\Phi D} = \sum_{n=1}^{N_n} \frac{СП_n}{СП_n^R} * B_n$$

$$\frac{СП_n}{СП_n^R} = \frac{СП_n}{СП_n^R}$$

Бунда

-рақобатчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни n -сонли иқтисодий параметри оғирлиги коэффициенти;

B_n -маҳсулотни n -сонли иқтисодий параметри оғирлиги коэффициенти;

N_n -қишлоқ хўжалиги маҳсулоти баҳоланаётган иқтисодий параметрлари

сони.

Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг фермер хўжалиги билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги корхоналари (ширкатлар) ва деҳқон хўжалиги фаолият юритаётганлигидан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини баҳолашни фермер хўжаликларини қуйидаги формула орқали аниқлашни тавсия этамиз:

$$DX_p = \frac{\sum_{i=1}^n N_{kxk} Q_j + \sum_{i=1}^n N_{dx} Q_h + \sum_{i=1}^n N_{fx} Q_{fx}}{L - n \cdot dx}$$

Бунда Q_j -қишлоқ хўжалиги корхонаси ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми;

Q_h -деҳқон хўжалиги ишлаб чиқарган маҳсулоти ҳажми.

Q_{fx} -фермер хўжалиги ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми;

N_{fx} -фермер хўжаликлари сони;

N_{kxk} - қишлоқ хўжалиги корхоналари сони;

N_{dx} -деҳқон хўжаликлари сони;

Рақобатбардошликни ошириш учун фермер хўжаликлари негизида қишлоқ хўжалик хом-ашёси ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг вертикал интеграцияси кичик ишлаб чиқарувчини ўз хўжалиги ташкилий режасини маркетинг сиёсатига мос равишда ўзгартириш, ердан фойдаланиш ва техникавий жиҳозланиш даражасини доимий яхшилаш, маҳсулотни жаҳон бозори талабларига мувофиқ стандартлаштириш, қайта ишлаш, қадоқлаш, консервациянинг мукамал услубларига ўтиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

3.2. Фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий иқтисодий йўналишлари.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий - техника базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини юксалтириш, юртимизни обод этиш йўлида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб

бораётган фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш, уларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун кенг қамровли чора-тадбирлар тизимини янада такомиллаштириш ва фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни давом эттириш зарур.

Ваҳоланки, келажакда қишлоқ хўжалигида асосий хўжалик юритиш шакли бўлган фермерлик институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Ушбу йўналишда бугунги кунда фермер хўжаликларининг ер участкаларини мақбуллаштириш жараёни амалга оширилиб, уларни иқтисодий барқарор фаолият кўрсатишига замин яратилди.

Фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишида қуйидаги ўзига хос хусусиятлар муҳим роль ўйнайди, яъни:

-фермер хўжалигида мулкка эгалик қилиш ва хўжаликни бошқаришнинг биргаликда қўшиб олиб борилиши;

-хўжалик раҳбари ва ходимларининг моддий жавобгарлиги ва манфаатдорлигининг хўжалик фаолияти якунларига тўлиқ боглиқлиги;

-фермер хўжаликларида меҳнат, қишлоқдаги тадбиркорликнинг тури, ижтимоий зарурий меҳнат бўлиши билан биргаликда меҳнат қилувчиларнинг турмуш тарзига ҳам айланиб қолганлиги;

-фермер хўжаликларидаги меҳнат аксарият ҳолларда қишлоқ жойлардаги оилаларнинг деҳқон хўжаликлари билан қўшиб олиб бориладиган ва ажратиш қийин бўлган фаолият турларидан бири эканлиги.

Фермер хўжаликларининг ривожланишида иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши авваламбор, хўжалик юритиш шаклларининг эволюцияси ва уларнинг иқтисодий мустақиллиги даражаси билан изоҳланади. Бу эса, бевосита мулкчилик муносабатлари ривожланиши орқали фермер хўжалиги раҳбари ва ходимларининг моддий манфаати ортишига олиб келади. Шунинг учун ҳам фермер хўжаликлари иқтисодий ҳолатининг мустаҳкамланиб бораётганлигидан


ва қулай иқтисодий-ҳуқуқий муҳитнинг вужудга келганлигини инобатга олган ҳолда фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир (3.1 -чизма).

Биринчи йўналиш - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асосини ташкил этувчи моддий техник таъминот тизимини яхшилаш асосида фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги техникалари билан қуролланиши, моддий-техник ресурслар билан таъминоти даражасини ошириш орқали ишлаб чиқарйшнинг барқарор ривожланишига кенг ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш лозим.

Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш йўналишлари

Асосий йўналишлар

Амалга ошириш механизмлари



3.1-чизма. Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Бунда - моддий техник ресурсларнинг тақсимот тизимидан босқичли равишда эркин бозор савдоси тизимига ўтиш; асосий қишлоқ хўжалиги техникалар лизинги билан бирга ишчи органлар лизингини йўлга қўйиш;

техниклар, чорва моллари сотиб олишда узоқ муддатли кредитлар ажратиш тизимини шакллантириш каби механизмлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Иккинчи йўналиш - қишлоқ хўжалигида амалий фан ва техника ютуқларини қўллаш ва инновацион лойиҳалар асосида ривожлантириш ва юқори технология билан қуролланган меҳнат салмоғини ошириб бориш. Фермер хўжаликлари ривожланишида замонавий фан, техника, технологиялар ютуқларини жорий этишда инвестиция етишмаслиги бугунги кунда малакасиз ва жисмоний меҳнатнинг улуши юқори даражасини сақлаб қолмоқда.

Бу эса, қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг жозибадорлигини пасайтирмоқда. Бугунги фермер илм-фан натижаларидан фойдаланиб даромадини ошириш кўникмасига эга эмас. Бу эса ўз навбатида амалий фан соҳасини молиялаштиришга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Учинчи йўналиш - қишлоқда инфратузилма объектларини жадал ривожлантиришни таъминлаш асосида қишлоқ аҳолиси турмуш шароити ва сифати даражасини ошириш. Инфратузилма объектларини ривожлантириш айниқса, ижтимоий инфратузилма объектлари қишлоқ аҳолиси шу жумладан, фермер хўжаликларида меҳнат қилувчи аҳолининг турмуш шароитлари яхшиланиши ҳисобига қишлоқда меҳнат қилиш жозибадорлиги ортишига замин туғдиради.

Бунда, қишлоқ жойларда бевосита ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи субъектлар ривожланишини рағбатлантириш орқали фермерларнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш талаб этилади. Айниқса бугунги кунда қишлоқларда йўллар, алоқа коммуникация тизими, газ ва электр таъминотини яхшилаш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланиши учун шароитлар яратиш долзарблик касб этмоқда. Шунингдек, фермер хўжаликларида малакали кадрлар таъминоти, раҳбар ва ходимларнинг малакасини оширишга давлат миқёсида алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда.

Тўртинчи йўналиш - фермер хўжаликларида банд бўлган ходимларнинг

даромадини ошириш ва меҳнатни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш орқали ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги ўсишига шароит яратиш.

Ҳозирги даврда фермер хўжаликларида иш ҳақи даражасининг пастлиги, тўловлар кечикиши, натура ҳолда бериладиган иш ҳақининг салмоғи юқори бўлишига олиб келмоқда. Натура тарзида иш ҳақи одатда йил сўнгида ва аксарият ҳолларда бир марталик бўлиши ҳамда доимий характерга эга эмаслиги меҳнат мотивациясини рағбатлантирмайди, қишлоқда меҳнат салоҳиятини такрор ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатади.

Юқоридаги муаммолар фермер хўжаликларида фақатгина хомашё етиштириш билан ходимлар даромадини ошириб бўлмаслигини кўрсатмоқца. Шу боисдан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда замонавий кичик технологияларни жорий этишни давлат йўли билан рағбатлантириш лозим. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш соҳаларида қишлоқ жойларининг ўзида анъанавий арзон технологиялардан кенг фойдаланиш талаб этилади.

Бешинчи йўналиш - фермер хўжаликларининг аграр тармоқдаги мавқеини оширишда давлатнинг рағбатлантирувчи дастаклари, жумладан молия-кредит, солиқ, суғурта каби дастаклар орқали уларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириб бориш.

Бунда, фермер хўжаликларини барқарор ривожлантиришда кредитлашнинг аграр ишлаб чиқариш манфаатларига хизмат қилувчи тизимини жорий этиш лозим. Бунинг учун эса банк тизими орқали фермерга етиб борадиган давлатнинг молиявий манбааларидан тегишли кўмак лозим бўлади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши хусусиятлари ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, солиққа тортиш ва суғурталаш тизими ҳам фермер хўжаликлари учун имтиёзли бўлиши лозим. Бу нафақат фермер балки, жамият манфаатларига хизмат қилади.

Олтинчи йўналиш - фермер хўжаликларида ноқишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқариши кўламини кенгайтириш орқали қишлоқ меҳнаткашлари даромадларини ошириш.

Фермер хўжаликлари барқарор ривожлантириш учун улар фаолиятини такомиллаштириб бориш талаб этилади. Бунда технологик жараёнларни ривожлантириш, ташқи иқтисодий шарт-шароитларни такомиллаштириб бориш муҳим масалалардан ҳисобланади (3.1- жадвал). Бундан ташқари, фермер хўжаликларининг барча бозор субъектлари билан ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш; агросервис хизмати кўрсатишни ривожлантириш; хўжаликлараро кооперацияларни ривожлантириш ва фермерлар ассоциацияси тузилмаларини ташкил этиш; жаҳон стандартларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш.

Қишлоқ хўжалиги мавсумийлиги ва табиатга боғлиқлиги фермер хўжаликларида ноқишлоқ хўжалиги фаолиятини ривожлантиришни талаб қилади. Бунда, кичик ҳажмли иссиқхоналар қуриш, пахта ва ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликларида чорвачилик тармоғини ривожлантириш орқали қўшимча даромад олишни ривожлантириш лозим бўлади.

Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ресурслар сарфи ҳисобига фойда олиш нуқтаи назаридан ёндашилиб, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бу тадбирлар қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим бўлади:

Биринчидан, истиқболда фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, парваришlash ва ҳосилни йиғиштириб олиш технологиясини такомиллаштиришда жорий этиладиган янги агротехнологияларга мос равишда янги қишлоқ хўжалиги техникалари тизими жорий этишни ҳам кўзда тутиш лозим.

3. 1- жадвал.

Фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш орқали уларни барқарор ривожлантиришининг асосий йўналишлари

Технологик жараёнларни такомиллаштириш:	фермер хўжаликларининг ресурслар салоҳиятидан фойдаланишларини интенсивлаштириш; етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ошириш; маблағлар ва меҳнат
---	---

	ресурсларини тежайдиган технологияларни жорий этиш; ер ва сувдан фойдаланиш маданиятини ошириш ҳамда уруғлар таркиби ва уруғ алмаштиришни яхшилаш; минерал ва органик ўғитлар билан меъёрий таъминлаш; чорвачиликда наслчиликни ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш; фермер хўжаликларининг техника таъминоти ва техникадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; моддий, ёқилғи, электр энергияси ва бошқа харажатларни қисқартириш.
Ташкилий- иқтисодий шарт- шароитларни такомиллаштириш:	- ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни чуқурлаштириш; фермер хўжаликларида иш ҳақини ташкил этиш ва ёлланма меҳнатни рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш; ишлаб чиқариш ва мутахассислар менежментини жорий этиш; моддий захиралар ва айланма маблағлардан самарали фойдаланишнинг меъёрий механизмини ташкил этиш; маркетинг хизматини ташкил этиш ва ривожлантириш; фермерларни ўқитиш ва турли йўналишлар бўйича консалтинг хизматини ривожлантириш; фермер хўжаликларида молия-кредит механизмини такомиллаштириш.
Тармоқлараро ва хўжаликлараро нисбатлар:	- фермер хўжаликларининг барча бозор субъектлари билан ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш; агросервис хизмати кўрсатишни ривожлантириш; хўжаликлараро кооперацияларни ривожлантириш ва фермерлар ассоциацияси тузилмаларини ташкил этиш; жаҳон стандартларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш.
Ташқи иқтисодий омиллар, шароитлар:	аграр бозорни кенг қамровли инфратузилма объектлари билан таъминлаш; жаҳон ва тармоқлараро озиқ-овқат бозорлари билан интеграциялашни кучайтириш; баҳо ва солиқ тизимини такомиллаштириш; халқаро аграр бозор ҳолати ҳақидаги маълумотлар билан мунтазам таъминлаб бориш; давлат томонидан аграр бозорни тартибга солишни такомиллаштириш; давлат томонидан фермер хўжаликларини қўллаб- қувватлашнинг бозор тамойилларига мос механизмини ишлаб чиқиш ва мунтазам равишда мониторингини олиб бориш.

Иккинчидан, пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш жараёнидаги сарф-харажатларни тежаш технологияларни жорий этиш, жумладан, ерга ишлов бериш, етиштирилган ҳосилни йиғиштириш пайтидаги сарфларни камайтириш ҳисобига маҳсулот таннарини арзонлаштиришга эришиш.

Учинчидан, фермер хўжаликларида боғ ва токзорлар ҳосилдорлигини

ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, тармоқ иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги ташкилий ва агротехник тадбирлар амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

- токзорларни парваришида илмий асосланган агротехник тадбирларга (суғориш, ўғитлаш, хомток қилиш, шакл бериш, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш, кабилар) риоя қилиш;

- реконструкцияни талаб этадиган эскирган ва сийракланган токзорларни бозорбоп узум берадиган тоklar билан янгилаб, барча токзорларнинг сийраклигини йўқотиш;

- зараркунанда, касалликларга қарши уйғунлашган кураш чораларининг самарадорлигини ошириш ва атроф муҳитга кам таъсир қиладиган усулларни яратиш ҳисобига ҳашоратлардан келадиган зарарни қисқартириш асосида стандарт маҳсулот чиқишини таъминлаш.

Тўртинчидан, истиқболда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида чорва моллари маҳсулдорлигининг ошиши ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш нуқтаи назаридан қуйидаги тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- фермер хўжаликларида чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришни маҳсулдорликни ошириш ҳисобига амалга ошириш;

- наслчилик ва ветеринария хизматлари кўрсатадиган пунктлар сонини кўпайтириш ва уларнинг моддий техник базасини яхшилаш;

- чорвачилик фермер хўжаликлари ривожланишида чорва моллари бош сонини кўпайтириш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш тизимини жорий этиш;

- экин майдонлари таркибида озуқа экинлари майдонини кенгайтириш ва уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, шунингдек такрорий экинлар учун берилган ерларда озуқа экинлари экишни устувор равишда ташкил этиш ҳам масалани кенгроқ ҳал этиш имконини беради.

Юқоридаги тавсия этилган йўналишларни инобатга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида хусусий мулк кафолатларини таъминлаш ва фермер хўжаликлари устувор ривожлантиришда қуйидаги масалалар ўз ечимларини топиши мақсадга мувофиқ. Жумладан:

- фермер хўжаликлари билан тайёрловчилар, мол етказиб берувчилар ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида шартномавий муносабатларни янада такомиллаштириш;

- дебитор ва кредиторлик қарздорлик ортиб бориши ва шартномаларга уларнинг ижросига юзаки ёндашувлар мавжудлиги боисдан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар маъсулиятини ошириш;


- кооперация муносабатларини ривожлантириш асосида фермерлар таъсисчилиги асосида ташкил этилган хизмат кўрсатувчи муқобил инфратузилма объектларини ривожлантириш;

- фермер хўжаликлари қишлоқдаги кичик ва хусусий тадбиркорларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотларининг монопол ҳолатини назорат қилиш ва зарур ҳолларда хусусийлаштириш йўли билан рақобат муҳити яратиш;

- фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи, таъминот ва маҳсулотларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий мулк асосида фаолият кўрсатишга ихтисослашган хўжалик субъектларини ташкил этиш ва ривожлантиришни ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш талаб этилади.

Шунингдек, бугунги кунда фермер хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни сотиши билан боғлиқ фаолиятига хизмат қилувчи субъектларни ривожлантириш зарурати ортимоқда. Айниқса фермер хўжаликларига асосий моддий-техника воситаларини (минерал ўғитлар, нефт маҳсулотлари, эҳтиёт қисмлар, уруғликлар ва экиш ашёлари) сотиш ва хизматлар кўрсатиш тизимида хусусий тармоқни ривожлантириш каби тадбирлар фермер

хўжаликларининг барқарор ривож топишини таъмин этишга хизмат қилади.



3.2-расм. Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари.

Фермер хўжаликларини рақобатбардошлигини ошириш учун, уларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарур. Фермер хўжаликларини

барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, авваламбор, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос-хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларининг табиий-иқтисодий шароити, ихтисослашуви уларнинг фаолият йўналишлари ва натижалари бўйича табақалашуви ҳамда мослашуви, турли тадбиркорлик тизимларини ички ва ташқи имкониятларидан фойдаланишнинг турли даражаси объектив жараёнларга боғлиқ бўлади (3.2-расм.).

Шу нуқтаи назардан ҳам фермер хўжаликларининг ривожланиш стратегиясини уларнинг фаолиятини тавсифловчи гуруҳларни мавжуд реал шароитдаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқдир. Таҳлилларга кўра, назарий жиҳатдан фермер хўжаликларни ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, аввалом бор уларни рақобатбардошлигини ошириш, провордида эса барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Фермер хўжаликларнинг ривожланишининг ҳозирги босқичида, уларнинг шаклланиши, йириклашуви, ишлаб чиқариш ва бозор муносабатларига мослашув нуқтаи назаридан амалий тажрибасининг ошиб бораётганлиги шароитида тўлақонли бозор тамойилларига мос рақобат муҳитини шакллантиришда фермер хўжаликларининг куйидаги хусусиятлари ҳам рол ўйнайди. Жумладан: - яққол истеъмол қилишни юқорилиги;

-барқарор юқори товарлилик даражасини таъминловчи ишлаб чиқариш ҳажми;

-ишлаб чиқариш йириклашуви ҳисобига қўшимча даромад яратишга асосланган йирик хўжаликлар.

Бундай бўлиш фермер хўжаликларини ривожлантириш стратегиясини аниқлашда мезон сифатида хизмат қилади.

Ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида, фермер хўжаликларининг бозор шароитидан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларининг юқорида таъкидланган қайси хусусиятига мос келишига қараб,

барқарор ривожланиш стратегиясини танлаши нафақат назарий, балки реал шароитни тўлиқ ҳисобга олиш даражасини юқорилигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек,- "Мунтазам равишда фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилиб келиниши уларнинг барқарор ривожланишини таъминламоқда."⁵

Дастлаб зарар кўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкат хўжаликларини тугатиш негизида ташкил этилган хусусий фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойиларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмларни шакллантирилганлиги ва муваффақиятли фаолият юритиши бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланганлиги ҳамда барқарор ривожланаётганлигидан далолат беради.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, -"Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда."⁶

Ушбу масала жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида янада долзарбдир. Шунинг учун ҳам мамлакат даражасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар бевосита хўжалик юритиш субъектлари фаолиятида ҳам ўзининг аксини топмоғи керак. Ваҳоланки, инқироз иқтисодиётнинг барча бўғинларига таъсир этиши аксарият жиҳатдан хўжалик юритиш субъектлари фаолиятига ҳам ўзининг бевосита салбий таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам мамлакат даражасида инқирозни олдини олиш ёки унга қарши чора- тадбирларнинг ишлаб

⁵ И.А. Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.-"Ўзбекистон". 2009. -226

⁶ И.А. Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.-"Ўзбекистон". 2009. -22 б

чиқилиши, хўжалик юрители субъектлари томонидан ҳам уларнинг фаолият доираси, йўналишидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоғи керак. Шунинг учун ҳам биз босқичма-босқич ушбу жараёни амалга ошириш бўйича ҳуқуқий, агротехнологик, ташкилий ва иқтисодий тадбирлар ишлаб чиқилиши зарур. Бу эса бевосита хўжалик юритувчи субъектларнинг инқирозга қарши бошқаришнинг стратегиясини шакллантиришда стратегик ва тактикавий ёндашув ишлаб чиқишни тақозо этади.

1-босқич. Инқирозга қарши тезкор бошқариш.

Ушбу босқичда фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини пасайтиришни бартараф этиш ҳамда олдини олиш каби инқирозга тааллуқли омилларга асосий эътибор қаратилиши лозим.

2- босқич. Жорий инқирозга қарши бошқариш.

Бунда маҳсулот рентабеллигини ошириш ва фермер хўжаликларининг инвестицион жозибадорлигини яхшилаш бўйича иқтисодий тадбирларни жорий этиш энг самарали усул ҳисобланади.

1-босқич. Ўрта муддатли инқирозга қарши бошқариш, эса 3-5 йил мобайнида амалга оширилади ва молия-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, моддий ва меҳнат сарф-харажатларини қисқартириш ҳамда замонавий агротехнологияларни жорий этишга устиворлик берилади.

Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш учун ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари фаолиятини барқарор ривожлантиришда қуйидаги тадбирларга устиворлик берилиши мақсадга мувофиқдир:

-бозор нархлари конъюнктураси талабларидан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва тежашнинг аниқ тадбирларини жорий этиш;

-фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари ишини

янада ривожлантириш;

-аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосий турлари билан арзон нархларда ва узлуксиз равишда таъминлашни ташкил этиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар қошида, мева-сабзавот ҳамда узум маҳсулотлари ва картошкани фермер хўжаликларидан мақбул нархларда сотиб оладиган, сақлайдиган, ташийдиган, ички истеъмол бозорларига реализация қиладиган, экспортини амалга оширадиган ҳамда молиялаштирадиган ихтисослашган компаниялар ташкил қилиш ва уларни етарли миқдордаги айланма маблағлар ҳамда зарур моддий-техника базаси билан таъминлаш;

-бугунги кунда жаҳон миқёсида кузатилаётган озиқ-овқат муаммоси салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришдаги оптимизациялаш, илм-фан тавсияларидан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш пировардида фермер хўжаликларининг замонавий инновацион агротехнологияларни жорий қилиш орқали барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек -"... биз ҳозирданок тараққиётимизнинг инқироздан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада узок муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак. Бу дастур иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни ўзида мужассам этиши даркор".

Шу нуқтаи назардан ҳам, аграр ислохотларнинг ҳозирги босқичининг асосий вазифаси-ички бозорда истеъмолни ўсиши ва ташқи^ бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш ҳисобланади. Бу эса "Қишлоқ хўжалигини барқарор

ривожлантириш асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини оширишни ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган Дастури" ишлаб чиқишлишини тақоза этади. Ушбу дастур агрооziқ-овқат секторини иқтисодиётни барча тармоқлари билан комплекс ва мутоносиб ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқиладиган қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш стратегияси билан қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ва уларнинг сифатини ошириш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ва фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни макроиқтисодий барқарорлик билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш тамойилларига асосланмоғи лозим. Дастурда қуйидагилар ўз аксини топмоғи лозим:

-аграр тармоқни ривожланиш тенденцияси, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш даражаси ва қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ва қиёфасини яхшилашни чуқур таҳлили, макроиқтисодий номутоносибликлар ҳамда мавжуд муоммоларни аниқлаш;

-қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш даражаси ва қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ва қиёфасини яхшилашни ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув хўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни ички захиралари ва янги манбаларини аниқлаш;

-қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш даражаси ва қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ва қиёфасини яхшилашни ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичларини ҳамда йўналишларини асослаш;

-қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини ошириш стратегиясини самарали ҳуқуқий-иқтисодий ва ташкилий механизмларини ишлаб чиқиш.

Фермер хўжаликларини рақобатбардошлиги ривожланишида фермер хўжаликлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантиришда маркетинг

стратегиясидан кенг фойдаланиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Ваҳоланки, фермер хўжаликларини рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегияси ер ва сув ресурслари, фермер хўжалиги инфратузилмасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бошқарувни самарали мувофиқлаштириш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажми ва сифатини юқорилигини таъминлаш имконини беради. Бунинг учун эса, фермер хўжаликлари ривожланишининг маркетинг стратегиясини шакллантириш учун мақсадлар, имкониятлар ва ресурсларнинг барқарор мувозанатига эришиш ва уни сақлаб туришга ҳамда янги бозор истиқболларига қаратилган бошқарув жараёнини вужудга келтириш бўйича кенг қамровли чора -тадбирлар ишлаб чиқиш зару^

Бугунги кунда фермер хўжаликларини рақобатбардошлигини ривожлантиришда, маркетинг стратегияси-ҳаракатлар дастури (концепция) => мақсад ва вазифалар (дастурнинг асосий йўналишлари бўйича) => ривожланишни индикатив режалари (муаммолар ва номутоносибликларни атрофлича таҳлил этиш асосида) => фермерликни ривожлантириш бўйича бозор стратегияси йўналишларида амалга оширилмоқда.

Фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосини унинг ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ташкил этади. Ушбу жараён эса, бевосита, бозорга йўналтирилиши, яъни, мақсадли бозорлар билан муносабатда бўлиш ва бу жараёнда уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаши лозим. Шундай қилиб, фермер хўжалигининг рақобатбардошлигини таъминлашда маркетинг стратегияси фермер хўжаликларини барқарор ривожлантир^шдаги муҳим шарт-шароитлардан бири бўлиб, унинг маҳсулотни етиштириш, қайта ишлаш, сотиш тизимини такомиллаштириш ва инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, модций-техника ресурслари ички ва ташқи бозорлари конъюнктурасини ўрганиш бўйича ахборот-маркетинг тизимини такомиллаштиришга хизмат қилмоғи лозим.

Фермер хўжаликлари барқарор ривожланиши талаб, таклиф, нарх ва рақобат ўзаро мутаносиблигини таъминлаган ҳолда, улар фаолиятини маркетинг тизими асосида ташкил қилишни тақозо этади. Чунки, Фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлиги бевосита маъмурий аралашув ва аграр соҳани қатъий назорат қилиш йўли билан оширишга бўлган уринишларнинг уларни рақобатбардошлигига салбий таъсир этишини, уларни ривожланишининг рақобатбардошлик нуктаи назаридан таҳлилга кўра, эквивалент алмашинуви йўқлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосининг ўсиш суръатлари саноат маҳсулотлари ва хизматлар баҳосининг ўсиш суръатларидан анча орқада эканлиги амалиёти тажрибаси исботлаб турибди.

Фермер хўжаликларининг барқарорлигини таъминлашда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан ташқари, тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари, жумладан, хунармандчиликнинг ҳар хил турларини ривожлантириш зарур. Бунда ташкилий-ишлаб чиқариш шароитлари; ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва марказлашувини чуқурлаштириш; ёлланма меҳнатни ташкил қилиш, ҳақ, тўлаш ва рағбатлантиришни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва кадрлар таъминоти; технологик жараёнлар; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини ошириш; ресурслар ва меҳнатни тежовчи технологияларни жорий қилиш; тармоқлараро ва хўжаликлараро нисбатлар; ўзаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш; агросервис хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш; ташқи иқтисодий омил ва шароитлар; аграр бозор инфратузилмасини таъминлаш; трансакцион харажатларни камайтириш; жаҳон ва тармоқлараро озиқ-овқат бозорларига интеграциялашув асосий ўрин эгаллайди.

Ҳозирги шароитда фермер хўжаликлари барқарор ривожланишида интенсив маркетинг стратегиясини тадбиқ этиш орқали нарх сиёсати ҳисобига самарали натижаларни таъминлашга эришиш мумкин.

Бунинг учун эса, сотиш бозорларини танлаш; ишлаб чиқариш-сотиш, кредит-молия тузилмалари кооперацияси ва вертикал интеграцияси

афзалликларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш => тайёрлаш => қайта ишлаш => сотиш тизимида интеграциялашув билан уйғунлашган ёки фермер хўжаликлари томонидан кўнгилли асосда ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи қоплаш таъминларида амалга оширадиган агрокластерлар ташкил қилиниши, логистиканинг ривожланиши, ахборотларни етказиш ва ахборот ҳамда

юклар оқимларини тартибга солиш, сотишни ташкил этишнинг замонавий воситаларини шакллантириш лозим.

Фермер хўжаликларида маркетинг стратегиясини амалга оширишнинг энг муҳим йўналиши унинг оптимал ташкилий тузилмасини барпо қилиш ҳисобланади.

Амалиётда бу маркетинг бўлимлари, хизматлари ёки марказларини ташкил қилиш шаклида амалга оширилиши, уларнинг тузилмаси улар ҳал этаётган вазифалар мураккаблиги, фаолият йўналишлари, маҳсулот турлари ва ҳоказоларга қараб доимий равишда такомиллаштирилиб бориши мумкин.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик соҳасида фермер хўжаликларнинг устувор ривожланиши натижасида уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси тобора ортиб бормокда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмасининг бекор қилиниши (пахта ва галладан ташқари) фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулот ўз ихтиёрида бўлиши ҳамда уни ички ва ташқи бозорларга бевосита олиб чиқишига имкон беради. Эндиликда фермер хўжаликлари нафақат маҳсулот ишлаб чиқариши, балки кескин рақобот шароитида уни сота олиши ҳам керак.

Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқараётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини баҳолашда натурал ва қиймат кўрсаткичлари асосида аниқланувчи умумлашган (интеграл) кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Рақобатбардошликни ошириш учун, авваламбор, ишлаб чиқариш жараёнларида инновациялардан фойдаланган ҳолда тежамли харажатлар асосида

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳосилдорлигини ва сифатини ошириш, фермер хўжаликлари негизида қишлоқ хўжалик хомашёси ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг вертикал интеграцияси кичик ишлаб чиқарувчини ўз хўжалиги ташкилий режасини маркетинг сиёсатига мос равишда ўзгартириш, ердан фойдаланиш ва техникавий жиҳозланиш даражасини доимий яхшилаш, маҳсулотни жаҳон бозори талабларига мувофиқ стандартлаштириш, қайта ишлаш, қадоқлаш, консервалашнинг мукамал услубларига ўтиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари иқтисодий ҳолатининг мустаҳкамланиб бораётганлигидан ва қулай иқтисодий-ҳуқуқий муҳитнинг вужудга келганлигини инобатга олган ҳолда фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш куйидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз :

Биринчи йўналиш - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асосини ташкил этувчи моддий техник таъминот тизимини яхшилаш асосида фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги техникалари билан қуролланиши, моддий-техник ресурслар билан таъминоти даражасини ошириш орқали ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишига кенг ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш лозим.

Бунда - моддий техник ресурсларнинг тақсимот тизимидан босқичли равишда эркин бозор савдоси тизимига ўтиш; асосий қишлоқ хўжалиги техникалар лизинги билан бирга ишчи органлар лизингини йўлга қўйиш; техниклар, чорва моллари сотиб олишда узоқ муддатли кредитлар ажратиш тизими шакллантириш каби механизмлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Иккинчи йўналиш - қишлоқ хўжалигини амалий фан ва техника ютуқларини қўллаш ва инновацион лойиҳалар асосида ривожлантириш ва юқори технология билан қуролланган меҳнат салмогини ошириб бориш. Фермер хўжаликлари ривожланишида замонавий фан, техника, технологиялар ютуқларини жорий этишда инвестиция етишмаслиги бугунги кунда малакасиз ва жисмоний меҳнатнинг улуши юқори даражасини сақлаб қолмоқда.

Учинчи йўналиш - қишлоқца инфратузилма объектларини жадал ривожлантиришни таъминлаш асосида қишлоқ аҳолиси турмуш шароити ва сифати даражасини ошириш. Инфратузилма объектларини ривожлантириш айниқса, ижтимоий инфратузилма объектлари қишлоқ аҳолиси шу жумладан, фермер хўжаликларида меҳнат қилувчи аҳолининг турмуш шароитлари яхшиланиши ҳисобига қишлоқца меҳнат қилиш жозибадорлиги ортишига замин туғдиради.

Тўртинчи йўналиш - фермер хўжаликларида банд бўлган ходимларнинг даромадини ошириш ва меҳнатни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш орқали ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги ўсишига шароит яратиш.

Бешинчи йўналиш - фермер хўжаликларининг аграр тармоқдаги мажбуриятини оширишда давлатнинг рағбатлантирувчи дастаклари, жумладан молия-кредит, солиқ, сугурта каби дастаклар орқали уларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириб бориш.

Олтинчи йўналиш - фермер хўжаликларида ноқишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кўламини кенгайтириш орқали қишлоқ меҳнаткашлари даромадларини ошириш.

Фермер хўжаликларини барқарор ривожланишни таъминлашда ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш, бунинг учун эса, авваламбор, бозор тамойилларига мос ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ҳамда институционал асослар яратилиши лозим. Жумладан:

-фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантиришни бозор тамойилларига мос ички ва ташқи омилларини ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларини шакллантириш;

-турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини ривожланиш омилларини аниқлаш;

-ер майдонлари оптималлашган фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

-фермер хўжаликларини барқарор ривожланишини таъминлашда ташқи иқтисодий фаолиятини бошқариш стратегиясини шакллантириш;

-фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини кооперацияларга бирлашиш орқали ривожлантириш йўллари асослаш;

-фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари ва механизмларини аниқлаш;

-фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий, ташкилий, ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш устувор йўналишларини ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуни. (2004 йил 26 августдаги янги нашри) Т. 2004 йил.

2.Ўзбекистон Республикасининг давлат Ер кадастри тўғрисидаги қонуни. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. Тошкент.1999 й.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ– 3226 сонли Фармони “Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”. Халқ сўзи 2003 йил 25 март.

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида» ги фармони. Халқ сўзи 2003 йил 28 октябр.

5.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохот ларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». Халқ сўзи 30.01.2010 й.

6.И.А.Каримов. «Дехқончилик тараққиёти фаровонлик манбаи». Тошкент.

Ўзбекистон 1991 йил.

7.И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли» Т.Ўзбекистон 1992 йил

8.Олимжонов О., Фармонов Т ва бошқалар. «Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари». Т., Университет 2005 йил.

9. Ҳамдамов К.С. «Бозор иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалиги», Тошкент. Меҳнат. 1993 йил

10.Файзиев А. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш». Самарқанд. 2004 йил.

11.Хошимов З.Ю. «Фермер хўжаликларининг муаммолари ва ривожлантириш истиқболлари. Т. 2004 йил.

12.Абдуганиев, А.А.Абдуганиев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик.-Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2006, 288 б.

13. Махамадиева У.М. Деҳқон-фермер хўжалигининг иқтисоди ва уни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. – Т.: 1998. -52 б.

14. Олимжонов О.,Фармонов Т., Косимбеков П., Сирожиддинов С., Қосимов М., Рафиков И. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т.:Университет,2005- 212 б.

15. Умурзоқов Ў.П. ва бошқалар. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма.- Тошкент.: “Молия-иқтисод”, 2007 й. 276 бет.

16.Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти Дарслик. Тошкент. 2005.

17. Қудратов Т.Қ. Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг таҳлили. Ўқув қўлланма. Самарқанд, 2008.

18. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент -2007 йил.

19. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари:

назария ва амалиёт. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси. Иқтисодиёт институти. Тошкент – Консаудитинформ – нашр – 2006 йил.

20. Ўзбекистонда фермер хўжалигини юритиш асослари. Тошкент-Ворис-Нашриёт. 2007 йил.

Интернет сайтлари:

1. www.gov.uz
2. www.bilimdon.uz
3. www.review.uz
4. www.kubagro.ru